


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**



**ЎСИМЛИКЛАР ҚАРАНТИНИНИНГ
УМУМИЙ АСОСЛАРИ**

5410300–Ўсимликлар химояси ва карантини йўналиши
бакалаврлари учун ўқув қўлланма

Тошкент-2015

Ушбу ўқув қўлланма “Ўсимликлар карантинининг умумий асослари” фанидан ўқув режасига ва дастурига мувофиқ ёзилган, бунда “Ўсимликлар карантинининг умумий асослари” фанининг вазифаси, мақсади, Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонуни ва унинг моҳияти, карантиндаги зараркунандалар ҳамда уларга қарши карантин кураш тадбирлари тўғрисида қисқача маълумотлар берилган.

Талаба ўз-ўзини текшириш саволларига тайёргарлик кўришда ҳар бир мавзу бўйича берилган адабиётлар рўйхатидан фойдаланиб, фанни мустақил ўрганиш учун қўлланма сифатида фойдаланиши мумкин.

5410300–Ўсимликлар ҳимояси ва карантини йўналиши талабалари учун тайёрланди.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент давлат университети Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедрасининг 2015 йил 27 февралдаги № 6-сонли ва Селекция, уруғчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш факультети Илмий кенгашининг 2015 йил 28 февралдаги №5-сонли йиғилиш баённомаси билан чоп этишга рухсат этилган.

Тузувчилар:	ТошДАУ Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси мудири, К/х фанлари доктори, профессор	Э.А.Холмуродов
	Биология фанлари номзоди, доцент	Б. Қ.Мухаммадиев
	Ассистент	Р. Д. Мўминова
Такризчилар:	К/х фанлари доктори, профессор	Х.К.Яхяев
	К/х фанлари номзоди, доцент	Б.С.Болтаев

МУНДАРИЖА

I.	1-мавзу: Кириш. Ўсимликлар карантинининг умумий асослари фани тарихи, мақсади ва вазифаси	5
1.	КИРИШ.....	5
2.	Ўсимликлар карантини умумий асослари фанининг тарихи.	9
3.	Ўсимликлар карантини умумий асослари фанининг вазифаси.....	12
II.	2-мавзу: “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши ва асосий қоидалар	14
1.	“Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши.....	14
2.	“Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонунни тузилиши ва мазмуни.....	15
III.	3-мавзу: Карантин остидаги материаллар ва Ўзбекистон республикасига кириб келаётган транспорт воситаларининг фитосанитар назоратидан ўтказиш тартиби, транзит тартиби.	29
1.	Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш тартиби.....	29
2.	Дипломатик, консуллик, савдо ваколатхоналари ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан карантин назоратидаги материалларни олиб киришнинг карантин тартиби.....	31
3.	Карантин назоратидаги материаллар транзитининг карантин тартиби.....	32
4.	Карантин остидаги материаллар ва улар билан зарарланган транспорт воситаларни зарарсизлантириш ва тозалаш тартиби.....	33
5.	Карантин назоратидаги импорт ва транзит материалларга доир ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби.....	35
6.	Ўзбекистон Республикасидан карантин назоратидаги материалларни олиб чиқиш бўйича карантин талаблари.....	38
IV.	4-мавзу: Экспертиза усулларида фойдаланиш. Лаборатория энтомологик экспертизаси	39
1.	Энтомологик экспертизанинг умумий қоидалари.....	39
2.	Кўчат ва мева зараркундаларининг экспертиза усуллари.....	43

3.	Лаборатория энтомологик экспертизаси.....	45
V.	5-мавзу: Омборхонага келтирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни танлаш усуллари	48
1.	Омборхонага келтирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан намуналарни танлаш усуллари. Уруғлик материаллардан намуналарни танлаш.....	49
2.	Озиқ-овқат ва техник мақсадлар учун мўлжалланган маҳсулотлардан намуналарни олиш.....	50
3.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни олиш усуллари.....	53
VI.	6-мавзу: Ўсимликларни карантин зараркунандалари ва уларга қарши кураш усуллари	55
1.	Дуккакли экинларнинг карантин зараркунандалари.....	55
2.	Вўзадаги карантин зараркунандалар.....	57
3.	Кўчатларда учрайдиган карантин зараркунандалар	63
4.	Мевали дарахтлардаги Ўзбекистонга ўтиш хавфи бор хашаротлар.....	66
5.	Токнинг Ўзбекистонга ўтиш хавфи бор карантин хашаротлари.....	72
6.	Цитрус экинларининг карантин зараркунандалари	74
VII.	7-мавзу: Ўсимликларни карантин касалликлари ва уларга қарши кураш усуллари	80
1.	Вўза антракнози, мевали дарахтларнинг куйиш (куйдирги) касаллиги. Маккажўхорининг бактериал сўлиши ва бошқа карантин касалликлар.....	80
VIII.	8-мавзу: Карантин бегона ўтларни экспертизаси. Уруғларни ўрта, майда қисмларини экспертизаси, Тупроқларда карантин бегона ўтларни аниқлаш усуллари	92
1.	Карантин ости бегона ўтлар уруғлари ва меваларини аниқлашдаги таҳлиллар.....	92
2.	Зарпечаклар (<i>Cuscuta L</i>) оиласига мансуб: дала зарпечаги, девпечаклар.....	97
3.	Мураккаб гулдошлилар оиласи: Эрман баргли амброзия, кунгабоқарлар, какралар, пушти ранг какра.....	101
4.	Республикада тарқалиши чегараланган бегона ўтлар.....	102
5.	Ўзбекистон Республикаси худудида учрамайдиган бегона ўтлар.....	109
6.	Заҳарли бегона ўтлар ва уларга қарши кураш.....	111

1-МАВЗУ: КИРИШ. ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ ФАНИ ТАРИХИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

Режа:

1. Кириш.
2. Ўсимликлар карантинининг умумий асослари фани тарихи.
3. Ўсимликлар карантинининг умумий асослари фанининг вазифаси.

1. Кириш

Мустақиллик йилларида ўсимликлар маҳсулотларини жумладан уруғ ва экиш материалларини импорт ва экспорт қилиш ҳажми кескин ортиб бормоқда.

Шунингдек кам ўрганилган ёки ўрганилмаган ноъмалум карантин зараркунандаларни туризм ва илмий алоқаларнинг кенгайиб бориши натижасида ҳам кириб келиш ҳавфи ортиб бормоқда.

Уларни ўз вақтида аниқлаш ва мамлакатимиз худудига киритмаслик соҳа мутахассисларининг олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига карантиндаги организмларни тарқалиб катта зарар келтирганлиги тўғрисида жаҳон амалиётдан маълум.

Ўзбекистон республикасида ўсимликлар карантини хизматининг яхши йўлга қўйилганлиги олимлар ва мутахассисларнинг хизматлари туфайли зарарли организмлар ўз вақтида аниқланиб худудимизга киришининг олди олинмоқда, жумаладан капр қўнғизи, ўрта ер денгизи мева пашшаси, қатор турдаги трипслар, куялар, турли ўсимликларнинг бактерияли, вирусли ва замбуруғли касалликлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги тараққиётимиз даврида ўсимликлар карантини давлат хизматининг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Бу эса уларни ўқитиш сифатини ошириб, малакали мутахассислар тайёрлашни тақозо этамоқда.

Иборалар ва аниқлагичлар

Давлат стандартлари

Ўсимликлар карантини тўғрисидаги тушунчалар:

Мамлакатимиз ўсимликлар дунёсини чет мамлакатлардан кириб келиб зарарловчи ҳашаротлар, бегона ўтлар ва касалликларни аниқлаш, пайдо бўлган тақдирда уларни йўқотиш

Аҳамияти:

- Ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш
- Маҳсулот сифатини яхшилаш
- Касаллик кўзғатувчиларни ва ҳашаротларни кириб келишини олдини олиш.
- Ўсимлик хом ашёларини чорва моллари учун ем сифатида ишлатилганда, уларни заҳарлилигини камайтириш.

Инсонларга салбий таъсирини олдини олиш.

Мақсади:

- Карантин асослари
- Ўзбекистон учун карантин ҳисобланган зарарли организмларни ўрганиш

Ўсимлик маҳсулотларини текшириш, экспертиза ва зарарсизлантириш усуллари

Асосий вазифаси:

- Ўсимликлар дунёсини мамлакатимизда мавжуд бўлмаган зарарли организмлар билан зарарланишини олдини олиш.
- Мамлакатимиз ичкарисида карантин объектларини тарқалиб кетишини олдини олиш.

Илмий изланишларни амалга ошириш.

Карантин объектлар ва уларнинг тарқалиш йўллари:

карантиндаги объектлар (карантиндаги зарарли организмлар) – ўсимликлар ҳамда ўсимлик маҳсулотларига иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган зараркунандалар, ўсимлик касалликлари, фитопатоген микроорганизмлар ва бегона ўтлар;

Тарқалиш йўллари (ўсимликлар мисолида):

- Фаол (Автохория)
- Пассив (Аллохория)

Изланиш усуллари

Лаборатория усули:

Карантин остидаги материалларни лабораторияда текшириш

Вегетацион усул:

Яширин зарарланишни интодукцион-карантин питомникда ёки оранжереяда текшириш

Дала усули:

Давлат нав синаш участкаларида қишлоқ хўжалиги экинларини зарарланиш даражасини ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш.

Ўсимликлар карантинининг таърифи ва тавсифи

Асосий тушунчалар

зараркунандалар – қишлоқ хўжалик ўсимликларига ва уларнинг ҳосилига зарар етказадиган жониворлар ва ҳашаротлар;

ўсимликларнинг карантин касалликлари – ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларининг табиий физиологик ҳолатини карантиндаги замбуруғлар, нематодалар, бактериялар, вируслар ва бошқа микроорганизмлар томонидан ўзгариши.

фитопатоген микроорганизмлар – ўсимликларда ва ўсимлик маҳсулотларида касаллик қўзғатувчи микроскопик кичик организмлар (вируслар, бактериялар, замбуруғлар ва бошқалар).

бегона ўтлар – биологик ва экологик жиҳатдан маданий ўсимликлар орасида ўсиб кўпайишга мослашган, экинлар ҳосилини ҳамда маҳсулот сифатини пасайтирувчи ёввойи ёки ярим хонаки ўсимликлар;

ўсимликлар карантини – Республиканинг ўсимлик бойликларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган хавfli зараркунандалар, турли хил ўсимликлар касалликлари, бегона ўтлар ва бошқа карантиндаги материаллар олиб келиниши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган давлат тадбирлари тизими;

карантиндаги объектлар (карантиндаги зарарли организмлар) – ўсимликлар ҳамда ўсимлик маҳсулотларига иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган зараркунандалар, ўсимлик касалликлари, фитопатоген микроорганизмлар ва бегона ўтлар;

карантиндаги ҳудуд – карантин объектининг ёйилишига йўл қўймаслик юзасидан тадбирлар ўтказилаётган ҳудуд;

карантин назоратидаги материал – ўсимликлар, ўсимликларнинг мевалари ва уруғлари, ўсимликларнинг қисмлари, техник экинларнинг толалари, ун, ёрма ва шу каби зарарсизлантирилмаган маҳсулотлар, ўсимликдан олинadиган материаллар, шу жумладан қурилиш материаллари, карантин объектларини олиб ўтиши мумкин бўлган маҳсулотлар ва юклар;

карантиндаги материал – карантин объекти билан зарарланган карантин назоратидаги материал;

карантин назоратидаги материаллар экспертизаси – карантин назоратидаги материаллар намуналарининг карантин ҳолатини татбиқ этиш, зарарли организмларнинг тур жиҳатдан ҳолатини аниқлаш;

карантин назоратидаги материаллар фумигацияси – карантин объектларини зарарли организмларни йўқотиш мақсадида, карантиндаги материаллар ва транспорт воситаларини заҳарловчи моддалар- фумигантларнинг буғлари ёки газлари билан зарарсизлантириш;

ўсимликлар карантини ички назорат маскани – карантиндаги импорт, экспорт ва транзитда бўлган карантин объектлари материаллари намуналарининг карантин текшируви ва экспертизаси, чет элдан келаётган транспорт воситаларининг текшируви амалга ошириладиган, шунингдек уларни зарарсизлантириладиган жой;

Ўсимликлар карантини чегара назорат маскани – дарё портлари, аэропортлар, темир йўл бекатлари, бош почта алоқа тармоқлари ва уларнинг тизимларида, шосселар ва бошқа чегара зоналаридаги ўсимликлар карантини назорат маскани;

карантин экспертизаси – ўсимликлар карантинидаги маҳсулотларнинг фитосанитар ҳолатини аниқлаш мақсадида уларнинг намуналарини лаборатория текширувидан ўтказиш;

фитосанитар назорати – зарарли организмлар ва улар табиий кушандаларининг тарқалиши, шунингдек уларнинг ривожланиш суръати ва зарарлилик даражасини кузатиб бориш ҳамда аниқлаш;

интродукцион-карантин кўчатхонаси – хориждан олиб келинаётган кўчатлар ва уруғлар карантин объектлари билан яширин зарарланган ёки зарарланмаганлигини аниқлашга мўлжалланган махсус кўчатхона;

фитосанитар сертификати – карантин назоратидаги материал карантин объектлари билан зарарланмаганлигини тасдиқлайдиган ҳамда материалнинг манзилли йўналиши, ташиш шартлари ва ушбу материалдан фойдаланиш мақсади, шартлари, материалнинг идиши ва ўрамларини белгилайдиган расмий ҳужжат;

импорт карантин рухсатномаси – ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматчиси томонидан белгиланадиган шартларда карантин назоратидаги материалларни республика ҳудудига олиб кирилишига ёки транзит олиб ўтилишига, Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция деб юритилади) томонидан рухсат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

ўрмон экинлари – уруғ ёки кўчатни экиш йўли билан ҳосил бўлган дарахтзорлар;

манзарали экинлар – барги ва гуллари ранг-баранг, кўриниши чиройли ҳамда эстетик мақсадларда уй, кўча, шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган манзилгоҳларни безатиш учун экиладиган ўсимликлар;

нематодлар – нам тупроқларда, ўсимликлар сиртида ва уларнинг ичида ҳаёт кечирувчи, 2 миллиметр диаметрдан кичик бўлган майда зарарли чувалчанглар.

2. Ўсимликлар карантинининг умумий асослари фани тарихи.

Ўсимликлар карантини фанининг ривожланиш тарихи XVIII аср бошларига тўғри келади. Бу маълумотлар Россияда А.Т. Болотов, Францияда А. Тиллет, Италияда Ф. Фонтана, Данияда Я. Фабрициус таълимотларида баён қилинган. Бу тўғрида дастлабки маълумотларни XIX асрнинг иккинчи ярмида немис олими А. де Барий, Рус олими М.С. Воронинлар берган. Россияда XIX асрнинг 70-80 йилларида дастлабки энтомология комиссияси ва Бюроси, карантин станциялари тузилган.

Карантин касалликларини ўрганишда XX аср бошларида рус олимларидан А.А. Ячевский, Д.И. Ивановский, И.Л. Сербинов, Г.К. Бургвиц, Америка олимларидан Э. Смит, У. Стенли кабилар муносиб ҳисса қўшган.

Биринчи карантин тадбирлари Францияда жорий қилинган. Бунга сабаб 1858-1862 йилларда АҚШдан Францияга келтирилган узум кўчатларида учрайдиган филлоксера хашароти сабаб бўлган. Кейинчалик Францияга оидиум, сохта ун шудринг касаллиги тарқала бошлаган. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигида 56 та департамент ташкил қилиниб, улар ток касалликларига қарши кураш ишларини бошлашган.

Чет элдан ток қаламчаларини олиб келишини ман этилиши бўйича “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги биринчи қарор 1873 йил 6 апрелда Россияда қабул қилинган эди. Шундан кейин 1881, 1910 ва 1912 йилларда ушбу қарор мукаммалаштирилган.

1875 йилда Колорадо кўнғизини тарқалиб кетишини олдини олиш мақсадида Америкадан картошкани олиб келинишини тартибга солиш тўғридаги қарор чиқди.

1877 йилда Швейцарияда бўлиб ўтган йиғилишда Европа мамлакатларида токнинг фоллексера туфайли нобуд бўлишининг олдини олиш масаласи халқаро даражага кўтарилди.

Биринчи халқаро конвенцияни 1878 йил 1 сентябрда Берн шаҳрида Германия, Австро-Венгрия, Швейцария, Франция, Белгия, Голландия кейинчалик Италия, Испания, биринчи жаҳон уришидан кейин Венгрия, Чехословакия ва Югославия давлатлари имзолаган.

1905 йил 7 июнда Халқаро конвенцияда Римда Халқаро қишлоқ хўжалик институтини очиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу

институт дастлаб турли мамлакатларда турли касаллик, хашоратлар ва бегона ўтлардан химоя қилишга ўргатиш қонунларини яратишган.

1912 йилда АҚШ да карантин ҳудудини ташкил қилиш бошланган. Америкада шу йили қабул қилинган “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонун ҳозиргача ўз кучини сақлаб келмоқда.

Карантин соҳасидаги тадбирлар бир мамлакат мисолида ташкил қилиниши ҳеч қандай самара бермаслиги аниқ бўлди.

Конвенциянинг талабларига асосан, тоқнинг филлоксераси тарқалган давлатлар жаҳон бозорида тоқ кўчатлари сотиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

1913-1914 йилларда Миср Араб Республикасидан Россияга келтирилган пахта толасида пахта куяси борлиги аниқланган. Шундан бошлаб ташқаридан келадиган юкларни карантин назоратидан ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилган.

1914 йилда Францияда 30 мамлакат иштирокида сертификатлар билан алмашилиш ва зарарли организмларга қарши кураш чоралари белгилаб олинган.

1929 йили Римда 24 та давлат иштирокида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Рим конвенцияси қабул қилинган. Бунга асосан шу давлатларда ўсимликлар химояси ва карантини бўйича илмий тадқиқот институтлари ташкил қилиниши, зарарли организмларни тарқатмаслик учун қонунлар ишлаб чиқиш, мамлакатда аниқланган карантин объектларининг рўйхатини эълон қилиш, ўсимликларни бир мамлакатдан иккинчисига олиб боришни қатъий назорат қилиш каби тадбирлар вазифа қилиб юклатилган.

МДХда 1931 йил 5 июнда наркомзем таркибида биринчи карантин хизмати ташкил қилинган. Шу йили қишлоқ хўжалик ўсимликларини олиб келиш ва олиб чиқиш тўғрисидаги тартиб ишлаб чиқилди.

1951 йилда Рим конвенцияси матни ФАО нинг йиғилишида Халқаро ўсимликларни химоя қилиш конвенциясини 50 мамлакат иштирокида тасдиқлайди. Бунда ягона халқаро фитосанитар гувоҳномасини бериш, фитосанитар назорат ўтказиш талаблари ва назорат қилинадиган объектлар миқдори аниқланди.

1951 йил 18 апрелда Европа Ўрта ер денгизи ховзаси (ЕОЗР) бўйича ўсимликларни химоя қилиш Конвенцияси қабул қилинади.

1956 йилга келиб Жанубий шарқий Осиё ва Тинч океани ховзасида ўсимликларни химоя қилиш комиссияси тузилади.

Карантин хизматининг 1961 йил 21 июлда биринчи, 1980 йил 28 майда иккинчи Қарори қабул қилинган. 1967 йил 10 августда Ўсимликларни ташқи карантин қоидаларида 70 та объект карантин объекти сифатида кўрсатилган. Ўсимликлар карантин хизмати Низомида унинг мақсади ва вазифалари, мансабдор шахсларнинг бурч ва мажбуриятлари кўрсатилган. Шу даврдан бошлаб денгиз, дарё портлари аэропорт, темир йўл ва назорат пунктларида карантин назорати амалга оширилди.

1962 йил 21 июлда давлат карантин хизматини низоми қабул қилинди. 1980 йилида ушбу Низомга ўзгартиришлар киритилди. Бу низомда карантин назоратидаги организмларни рўйхати эълон қилинди.

Фитосанитария тадбирлари қаторига патоген организмни сақловчи ўсимлик қолдиқларини йўқ қилиш, ғалла экинлари наҳолини ёқиш, бегона ўтларни йўқ қилиш, тупроқдаги патоген организмларга қарши кимёвий ва физик ишлов бериш, касаллик тарқалишига сабаб бўлувчи меҳнат куроллари ва машина қисмларини дизенфекция қилиш кабилар киради. Касалликларнинг тарқалишида сув хавзалари ва дарё, ариқ оқими, қушлар, хайвонларнинг асосий роли ўрганилади.

Давлат карантин инспекцияси 1979 йилдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги қошидаги Ўсимликларни химоя қилиш бош бошқармасига, 1995 йилдан ЎЗР ВМ қошидаги Республика ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясига айлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини Бош Давлат инспекцияси қошида 1934 йилда марказий карантин лабораторияси ташкил этилган.

Карантин инспекцияси республика худудига хорижий давлатлардан хавфли карантин объектларини кириб келишини олини олиш тадбирларини белгилаш билан шуғилланади. Бунинг учун мамлакат ичкарасидаги ва хориждан келтирилган товарларнинг фитопатологик, энтомологик, бактериологик ва гербологик текширишларини амалга оширади.

Хориждан келтириладиган турли юкларнинг, ўсимлик намуналари, уруғларини карантин назорати интродукцион карантин питомникларда амалга оширади.

ЎзР Ўсимликшунослик институти карантин питомнигида бошоқли экинлар, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, сабзавот, узумчилик ва виночилик корпорацияси карантин питомнигида мевали ўсимликлар, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти питомнигида ғўза навлари, ЎзР ФА “Ботаника” ИИЧМнинг Ботаника боғи карантин питомнигида манзарали гул ва буталар, дарахт ўсимликлари уруғларининг намуналари ўрганилади.

Республикада карантин тадбирлари ўтказиладиган ҳашаротлар, касалликлар ва бегона ўтларнинг дастлабки рўйхати 2002 йилда эълон қилинган бўлиб, 30 та объект, жумладан 9 таси Европа, Ўрта ер денгизи ўсимликларни химоя қилиш ташкилоти тавсияси асосида карантин объекти рўйхатга олинган.

Ўзбекистон давлати учун карантин аҳамиятига эга бўлган зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларнинг 2006 йилдаги рўйхатида республика ҳудудида учрамайдиган карантин зараркунандалар 58 та, ўсимлик касалликлари 17 та, нематодалар 4 та, бактериал касалликлар 9 та, вирус касалликлари 11 та, бегона ўтлар 33 та деб кўрсатилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич зараркунандаларда 60 та, ўсимлик касалликлари 16 та, нематодалар 4 та, бактериал касалликлар 9 та, вирус касалликлари 11 та, бегона ўтлар 36 та ни ташкил қилганлиги (2008) карантин объектлар сони мунтазам ўзгариб туришини кўрсатади.

3. Ўсимликлар карантини умумий асослари фанининг вазифаси.

Қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан, касалликлардан ва бегона ўтлардан химоя қилиш кўп жиҳатдан малакали кадрлар тайёрлашга боғлиқдир.

Ўсимликлар карантинининг асосий вазифалари ўсимликларнинг ташқи ва ички карантини бўйича давлат тадбирлари тизимини амалга оширишдан иборат бўлиб, бу тадбирлар қуйидагиларга қаратилади:

Ўсимликларни зараркунандалардан, ўсимлик касалликлардан ва бегона ўтлардан самарали ҳимоя қилиш ишларини тўғри ташкиллаштириш учун талабалар ўсимликларни ҳимоя қилиш фанларини чуқур ўзлаштиришлари лозим. Ўсимликларни ҳимоя қилишда карантин усули катта аҳамиятга эгадир. Чунки бу усул асосан хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари, бегона ўтлар иқлимий ва бошқа шароитда зарар келтирадиган даражада кўпайиши мумкин бўлган жойларга келиб қолишни олдини олиш, келиб қолганда йўқ қилишга қаратилган давлат тадбирлари тизимини амалга оширишдан иборат бўлиб, бу тадбирлар куйидагиларга қаратилади:

1. Республика ҳудудини чет мамлакатлардан кириб келиб, халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги хавфли зараркунандалардан, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза этиши.

2. Карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандаларни ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни вақтида аниқлаш, уларнинг ёйилишига йўл қўймаслик ва уларни йўқ қилиш, шунингдек республиканинг бу зараркунандалар, касаллик ва бегона ўтлардан ҳоли минтақаларига улар кириб боришини олдини олиши.

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини етиштириши, тайёрлаш, ташиши, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланишида ўсимликлар карантинига оид қоидалар ва тадбирларга риоя этилиши ҳамда уларнинг амалга ошири устидан давлат назоратини олиб бориши.

Назорат учун саволлар

1. Ўсимликлар карантинидаги соҳасидаги асосий тушунчалар тўғрисида нималарни биласиз?
2. Ўсимликлар карантини деганда нимани тушунасиз?
3. Ўсимликлар карантинининг асосий вазифалари нимадан иборат?

2-МАВЗУ: “ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ” ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА АСОСИЙ ҚОЙДАЛАР

Режа:

1. “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши.
2. “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонунни тузилиши ва мазмуни.

1. “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши.

Ўзбекистон бошқа кўп мамлакатлар билан ҳам савдо муносабатларини тобора кенгайтормоқда. Бу мамлакатлардан бизга карантин объектлари келиб қолиши мумкин. Масалан 1930 йилда Мисрдан олинган чигит билан ғўза куяси илашиб келган. Бу зараркунанда ўша вақтдаёқ вакуум камерасида уруғларни фумигация қилиш йўллари билан бутунлай тугатилди.

1939 йилда Ўзбекистонда Комсток курти топилди. Маълум бўлишича бу курт Япониядан келтирилган тут кўчатларига илашиб келган.

1932 йилда батат ўсимлигида қора рангли чириш касаллиги топилди. Бу ўсимлик ҳам ўз вақтида йўқ қилинди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган омборлар зарарсизлантирилди. 1946 йилда Америкадан келтирилган уруғлик (ерёнғок) арахисда экспертизадан ўтказилганда склеркиал чириш касаллиги аниқланди.

Бир қанча бошқа жиддий карантин объектлари экспертиза йўли билан топилиб, улар Ўзбекистонга киритилмаган. Улар орасида левкой ғалла нематодаси, Хитой мум курти, цитрус ўсимликларидаги чўпсимон қалқондор, картошка куяси ва бошқалар бор.

Шуни ҳам эсда тутиш керакки Ўзбекистонга кўшни Тожикистондан Калифорния қалқондори ўтиб тарқалди. Бу

қалқондор Тожикистоннинг Ўзбекистон чегарасига жуда яқин жойлашган туманларида тарқалган.

1995 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасида Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга 30.08.1996 йил ва 25.04.1997 йилларда ўзгартиришлар киритилди.

Қонун 16 та моддадан иборат бўлиб, бу моддаларда ўсимликлар карантинининг асосий вазифалари, карантин тадбирлар, ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари ва унга раҳбарлик қилиш органлари, Бош давлат инспекциясининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри туман ва шаҳар, ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг ваколатлари ва уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини импорт ва экспорт қилиш, халқаро шартномалар ва битимлар ва бошқа моддалар киритилган. Қишлоқ хўжалигининг ҳозирги замон технологияси билан қуролланганлиги кўчат ва пайванд материалларини тўла зарарсизлантиришга имкон бериши ҳукуматимизнинг “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги 1995 йил 30 августдаги қонунининг аҳамиятини яна оширди.

2. “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонунни тузилиши ва мазмуни.

1-модда. Ўсимликлар карантинининг асосий вазифалари.

Ўсимликлар карантинининг асосий вазифалари ўсимликларнинг ташқи ва ички карантини бўйича давлат тадбирлари тизимини амалга оширишдан иборат бўлиб, бу тадбирлар қуйидагиларга қаратилади:

республика ҳудудини чет мамлакатлардан кириб келиб, халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа хавфли зарарқунандалардан, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза этиш;

карантиндаги ва бошқа хавфли зарарқунандаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни вақтида аниқлаш, уларнинг ёйилишига йўл қўймаслик ва уларни йўқ қилиш, шунингдек республиканинг бу зарарқунандалар, касаллик ва бегона ўтлардан холи минтақаларига улар кириб боришининг олдини олиш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш ва улардан фойдаланишда ўсимликлар карантинига оид қоидалар ва тадбирларга риоя этилиши ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан давлат назоратини олиб бориш.

2-модда. Карантин тадбирлари.

Карантин тадбирлари қуйидагиларга тааллуқлидир:

қишлоқ хўжалик экинлари, доривор, ўрмон ҳамда манзарали экинларнинг уруғлари ва кўчатларига, ўсимликлар ҳамда уларнинг қисмлари (қаламчаси, пиёзи, тугунаги, меваси ва бошқалар)га, шунингдек зараркунандаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни олиб ўтиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай ўсимлик маҳсулотларига;

тирик замбуруғлар, бактериялар, вируслар, нематодлар, каналар ва ҳашаротларга;

ўсимлик касалликларини кўзғатувчи ҳашаротлар коллекциялари ва бу ҳашаротлар келтирадиган зарарларнинг намуналари, шунингдек гербарийлар ва уруғлар коллекцияларига;

карантин остида деб эълон қилинган чет мамлакатлардан ва республика ҳудудидан келаётган, зараркунандаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни олиб ўтиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалик машиналари ва ерни ишлаш қуроллари, идишларнинг барча тури, айрим саноат моллари, ўров-қоплов воситалари ҳамда ўсимликдан тайёрланган маҳсулотлар, яхлит тошлар, тупроқ намуналари, транспорт воситаларига;

ўсимлик маҳсулотларини тайёрлайдиган, ғамлайдиган, қайта ишлайдиган ва реализация қиладиган корхоналар ҳамда ташкилотларнинг ҳудудлари ва бинолари, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерлари, томорқа, якка тартибдаги ер участкалари ҳамда дала ҳовлилар, жамоа боғлари ва поллизлари, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилмайдиган ерларга (йўллар, электр ўтказгичлар атрофидаги муҳофаза жойларига).

3-модда. Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа норматив ҳужжатлардан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ўсимликлар карантини Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

4-модда. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари.

Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматини Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари, туманлар, шаҳарлар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари, темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портларидаги, почтамтлардаги ва шосселардаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари, ўсимликлар карантини бўйича илмий марказ, марказий ва вилоят карантин лабораториялари ҳамда карантин остидаги ўта хавфли зарарли объектларга қарши курашувчи ихтисослашган фумигация отрядлари амалга оширади.

5-модда. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига раҳбарлик қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси бошлиғини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тайинлайди. (ЎЗР 25.04.1997 й. 421-І-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

Вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари раҳбарлик қиладилар. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари бошлиқларини Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишиб туриб тайинлайди.

Туман ва шаҳарларда ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматига раҳбарликни туман, шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари амалга оширадилар. Туман ва шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари⁸ бошлиқларини вилоят

Ўсимликлар карантини давлат инспекциялари тегишли туман ва шаҳар ҳокимлари билан келишиб туриб тайинлайди.

Темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портларидаги, почтамтлардаги ва шосселардаги ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматини Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси тайинлайдиган мудирлар бошқарадилар.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги ўсимликлар карантини давлат инспекциялари ўз ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича тегишли ҳокимлар ва юқори турувчи органларга бўйсундилар.

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси:

ўсимликлар карантини бўйича белгиланган тадбирлар бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади, бу тадбирлар республика ҳудудида ўз вақтида ўтказилишига жавоб беради;

ўз ваколатлари доирасида барча вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек фуқаролар бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, йўриқномалар чиқаради, низом ва қоидалар қабул қилади ва уларни белгиланган тартибда ижрочилар эътиборига етказиши;

республикада карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг Рўйхатини, шунингдек манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиб туриб - республикадан олиб чиқиб кетилиши мумкин бўлмаган биологик объектлар Рўйхатини беш йилда бир марта қайта кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

уруғларни, ўсимликларни, ўсимлик хом ашёсини ва бошқа маҳсулотларини ҳамда халқ истеъмоли товарларини республикага олиб кириш, мамлакат ичкарасида ташиш, экспортга олиб

чиқишнинг карантин қоидаларини ҳамда ана шу уруғ, ўсимлик ва бошқалардан фойдаланиш шартларини белгилайди;

халқаро ташкилотлар доирасида ўсимликлар карантини бўйича республика манфаатларини ифодалайди;

карантиндаги зараркунандаларга, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш олиб боришда жамоа хўжаликлари, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларга ёрдам кўрсатиш учун заруратга қараб ихтисослашган фумигация отрядлари ва хизматлари тузади;

экспортга жўнатилаётган ҳамда республикага келтирилаётган, карантиндаги зараркунандаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни олиб ўтиши мумкин бўлган уруғларни, ўсимликларни, ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа материалларни карантин текширувидан ва лаборатория экспертизасидан ўтказди;

республика ҳудудини карантиндаги районлар ва микрорайонларга бўлиб чиқади;

карантиндаги зараркунандаларга, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш бобида илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибани, янги услублар, воситалар ва усулларни тарғиб қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни, карантин объектлари тўғрисидаги билимларни аҳоли орасида кенг ёйишни йўлга қўяди;

тегишли ҳудудда карантин ўрнатиш (уни бекор қилиш) тўғрисида маҳаллий ҳокимият органларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тавсияномалар йўллайди;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

7-модда. Вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг ваколатлари.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларнинг ўсимликлар карантини давлат инспекциялари:

карантиндаги зараркунандаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ерларини, ўсимлик маҳсулотлари сақланадиган ва қайта ишланадиган, карантиндаги маҳсулотлар келиб тушадиган

жойларни ва уларга туташ худудни мунтазам равишда назорат текширувидан ўтказиб туришни ташкил этади;

аниқланган зарарланиш ўчоқларининг кенгайишига йўл қўймаслик ҳамда уларни бартараф этиш учун, шунингдек карантиндаги объектларни олиб кириш йўллари топиб, уларни ёпиб ташлаш учун шошилиш чоралар қўради;

уруғларга, ўсимликларга ва ўсимлик маҳсулотларига фитосанитария ва бошқа карантин сертификатларини беради;

республикага чет мамлакатлардан келаётган маҳсулотларни, шунингдек транспорт воситаларини соғломлаштириш ва зарарсизлантиришни ташкил этади;

тегишли худудда карантин ўрнатиш (уни бекор қилиш) тўғрисида маҳаллий ҳокимият органларига тавсияномалар йўллайди;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

8-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари.

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясининг бошлиғи - Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспектори, унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг бошлиқлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса - тегишинча вилоят ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Туманлар ва шаҳарлар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг бошлиқлари туман ва шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Темир йўл станцияларидаги, аэропортлардаги, дарё портларидаги, почтамтлардаги, шосселардаги ўсимликлар карантини чегара пунктларининг мудирлари ҳам ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Ўсимликлар карантини давлат инспектори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- темир йўл станциялари ва автовокзаллар (автостанциялар), аэропортлар, дарё портлари (пристанлари), почтамтлар, омборлар, тегирмонлар худудига, пассажир ва юк вагонларига, самолётларга, дарё флоти кемаларига, кўрғазмалар, ботаника боғлари, илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, жамоа хўжаликлари, деҳқон (фермер) хўжаликлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг худудларига, фуқароларнинг томорқа участкаларига, шунингдек уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи корхоналарга монеликсиз кириш;

- лаборатория экспертизалари ўтказиш учун уруғлардан, ўсимликлардан ва ўсимлик маҳсулотларидан намуналар олиш. Карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар аниқланган тақдирда маҳсулотларни олиб чиқиб кетиб, улардан фойдаланишни чеклаш ва карантин тадбирлари тизимини бажариш юзасидан керакли топшириқлар бериш;

- карантин ўрнатилган худудлардан карантин сертификатларисиз олиб чиқилган уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини ушлаш, олиб қўйиш, зарурат бўлса, олиб келинган жойига қайтариб юбориш;

- божхоналар, темир йўл станциялари, автовокзаллар (автостанциялар), аэропортлар, дарё портлари (пристанлари), почтамтлар ва бошқа ташкилотларнинг маъмуриятидан келаётган ва жўнатилаётган, ушбу Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ карантин тадбирлари қўлланиладиган юклар тўғрисида маълумотлар талаб қилиш, зарур бўлса, улар тасарруфидаги худудда уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини кўздан кечириш ҳамда зарарсизлантириш учун транспорт воситалари, ёрдамчи ишчилар, хизмат бинолари ва ёрдамчи материаллар беришни талаб қилиш.

9-модда. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматини молиявий таъминлаш.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати, ихтисослашган фумигация отрядларини истисно этганда, республика бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг республикага олиб кирилаётган, республикадан олиб чиқиляётган

ва транзит бўлиб ўтаётган карантиндаги материалларни текшириш ва кўздан кечириш, шунингдек хужжатлар бериш билан боғлиқ харажатлари юридик ва жисмоний шахслар ҳисобидан қопланади. (ЎзР 30.08.1996 й. 281-І-сон Қонуни таҳриридаги жумла)

Ихтисослашган фумигация отрядлари ўз харажати батамом ўзи қоплаш асосида фаолият кўрсатади ва карантиндаги материалларни зарарсизлантириш ишларини бажарганлиги учун келган тушумлардан ҳосил бўладиган махсус маблағлар ҳисобидан таъминланади.

10-модда. Карантин ўрнатиш ва уни бекор қилиш тартиби.

Карантин объекти аниқланган ҳолларда туман (шаҳар) ўсимликлар карантини давлат инспектори тавсиясига биноан маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари билан айрим хўжаликлар, жамоа хўжаликлари, деҳқон (фермер) хўжаликлари, корхоналар, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портлари, қишлоқ ва шаҳарчаларнинг ҳудуди носоғлом деб эълон қилиниб, уларда карантин ёки зарур чеклашлар ўрнатилади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ўсимликлар карантини бўйича носоғлом деб эълон қилиш ва уларда карантин ёки бошқа чеклашлар ўрнатиш тегишли ўсимликлар карантини бош давлат инспекторлари тавсияномасига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тавсияномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Карантин ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг карантин эълон қилинган хўжаликлардан уруғ ва кўчатларни карантин сертификатларисиз карантиндаги зараркунандалардан, ўсимлик касалликларидан ва бегона ўтлардан холи бўлган бошқа хўжаликларга сепиш ва экиш мақсадида олиб чиқиш ман этилади.

Карантин ўрнатилган ҳудудлардан карантин сертификатларисиз олиб чиқиб кетилган уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари олиб кўйилади ҳамда техникавий (саноат йўли билан) қайта ишлаш ёки умумий овқатланиш корхоналарида фойдаланиш учун тайёрлов ташкилотларига берилади, зарур ҳолларда эса зарарсизлантирилади, жўнатувчига қайтариб юборилади ёки йўқ қилиб ташланади.

Карантин ўрнатилган ҳудуддаги (аҳоли пункти, туман, вилоят) томорқа участкаларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов ташкилотлари орқалигина олиб чиқиб кетишга йўл қўйилади, зарарланган маҳсулотлар бундан мустасно (улардан қай тарзда ва қандай шартларда фойдаланишни ўсимликлар карантини давлат инспектори карантин қоидаларига мувофиқ белгилайди).

Ҳудудда ўрнатилган карантин ёки чеклаш белгиланган карантин тадбирлари ўтказиб бўлинганидан ҳамда карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар ўчоқлари батамом йўқ қилинганидан кейингина ўсимликлар карантини бўйича тегишли бош давлат инспекторларининг тавсияномасига биноан карантин ёки чеклашларни ўрнатган туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарори билан ёки Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тавсияномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бекор қилинади.

11-модда. Уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини импорт қилиш.

Чет мамлакатлардан республикага уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини олиб киришга :

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси берадиган импорт карантин рухсатномаси;

экспорт қилаётган мамлакатнинг ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича давлат органлари берадиган фитосанитария сертификати ёки гувоҳномаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича давлат органлари бўлмаган чет мамлакатдан уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини республикага олиб киришга Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси томонидан ҳар бир алоҳида ҳолда бериладиган импорт карантин рухсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўсимлик маҳсулотларини импорт қилиш вақтида:

уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини чет мамлакатлардан республикага етказиб бериш ёки уларни республика ҳудудидан олиб ўтиш ҳақида тузиладиган савдо шартномаларига (битимларига) ўсимликлар карантини бўйича

давлат хизматининг карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар республика ҳудудига ўтиб қолмаслигини таъмин этадиган талабларини киритишлари;

чет мамлакатлардан кўплаб миқдорда уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини сотиб олиш вақтида бу мамлакатларда қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларининг фитосанитария ҳолатини ўрганиш учун, зарурат бўлса, ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича мутахассисларни юборишни назарда тутишлари шарт.

Чет мамлакатлардан республикага олиб келинаётган уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари республика ҳудудига келиб тушган жойларда ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати инспекторлари томонидан мажбурий текширувдан ўтказилади.

Уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари олиб кириладиган чегара пунктларини ёки ҳудудларини Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси белгилайди.

Кўшни давлатдан карантиндаги, шунингдек бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар республика ҳудудига ўтиб тарқалиши хавфи пайдо бўлган тақдирда, ваколатли органларнинг қарорига биноан хавф остидаги участкаларда чегара вақтинча ёпиб қўйилиши мумкин.

Чет мамлакатлардан республикага таркибида карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар борлиги аниқланган уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари, барча турдаги тирик замбуруғлар, бактериялар, ўсимлик касалликларини кўзгатувчи вируслар, шунингдек ўсимликларга зарар етказувчи ҳашаротлар, каналар ва нематодларни, илмий мақсадларда келтириладиган намуналардан ташқари, олиб кириш ман этилади. Етиб келган юкда бундай зараркунандалар ёки касалликлар аниқланган тақдирда ўсимликлар карантини давлат инспекцияси юк эгасига ундан қай тарзда фойдаланиш юзасидан тавсия беради, юк эгаси эса бир суткалик муддат ичида юкни тасарруф этиши шарт.

Уруғ ва кўчатларни, янги мева ва сабзавотларни чет мамлакатлардан республикада яшовчи фуқароларга почта

жўнатмаларида юбориш, шунингдек юк билан олиб ўтиш ман этилади. Карантиндаги зараркунандалар ва касалликлардан холи бўлган, улардан зарарланмаган янги мева ва сабзавотларнинг айрим намуналарини пассажирларнинг қўлидаги юк билан ўтказишни ўсимликлар карантини давлат инспектори ҳал қилади.

Башарти алоҳида қимматга эга бўлган уруғлар, ўсимликлар ёки кўчатлар илмий-тадқиқот муассасалари номига йўлланган бўлса, улар ўсимликлар карантини давлат инспекторининг хулосасига биноан текшириш учун интродукция-карантин кўчатхонасига юборилмоғи керак.

Ўсимлик маҳсулотларини чет мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатия, консуллик ва савдо ваколатхоналари учун юк билан олиб ўтиш ва почта орқали жўнатиш Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси тасдиқлаган ўсимликлар ташқи карантини тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Чет мамлакатлардан республикага олиб кирилган уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари уларда карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар аниқланган тақдирда белгиланган тартибда кимёвий ёки бошқа усуллар билан зарарсизлантирилмоғи, бегона ўтлардан тозаланмоғи, яширин зарарланганликни аниқлаш, мазкур ўсимлик материални соғломлаштириш мақсадида интродукция-карантин кўчатхоналарига ва оранжереяларга сепилиши ёки экилиши, техникавий йўл билан қайта ишланиши ёки аниқланган зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиши хавфи йўқ жойларда фойдаланилиши лозим. Яширин зарарланганлик эса айрим ҳолларда лаборатория таҳлили йўли билан аниқланиши мумкин.

Уруғларнинг ва кўчатларнинг карантин текшируви Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси тасдиқлайдиган Республика ҳудудида импорт қилинадиган уруғлар ва кўчатларнинг карантин текширувини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом талабига мувофиқ ўтказилади.

Чет мамлакатлардан республикага олиб келинган уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини зарарсизлантириш билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан ишчи кучидан,

транспорт, бино ва ёрдамчи материаллардан фойдаланиш тегишли юкни олувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

Республика худудидан олиб ўтилаётган, ичида уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари бўлган транзит юклар ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларининг мажбурий текширувидан ўтказилади. Мазкур юкларда карантиндаги ва бошқа хавfli зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ёки бегона ўтлар аниқланган тақдирда бу юкларни жўнатиш тўхтатилиши, улар зарарсизлантирилиши (жўнатувчининг розилиги билан) ёхуд экспорт қилган мамлакатга қайтариб юборилиши шарт.

12-модда. Уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини экспорт қилиш.

Республикадан чет мамлакатларга олиб чиқилаётган уруғлар, кўчатлар, ўсимликлар, ўсимлик касалликларининг штаммлари (турлари), бошқа биологик объектлар ва ўсимлик маҳсулотлари ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича халқаро битимларда, шунингдек савдо шартномаларида (контрактларида) назарда тутилган шартларга жавоб бериши, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилмайдиган биологик объектлар Рўйхатига кирмаган бўлиши лозим.

Экспорт қилинаётган уруғларнинг, ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотларининг ҳар бир туркуми белгиланган нусхадаги фитосанитария сертификати билан бирга жўнатилиши керак.

Уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар ана шу маҳсулотларни мамлакатдан ташқарига жўнатиш мўлжалланаётган санадан камида ўттиз кун олдин тегишли вилоят, туман ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларини хабардор этишлари, улар билан биргаликда маҳсулотларни жўнатиш учун мақбул жойни аниқлашлари, жўнатишга ўн беш кун қолганда эса экспорт қилинаётган маҳсулотни текшириб кўриш учун тақдим қилишлари шарт.

13-модда. Вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳуқуқлари.

Карантиндаги маҳсулотларни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарур ҳолларда ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати вакиллари билан ҳамкорликда амалдаги карантин қоидаларининг сўзсиз бажарилишини таъминловчи қўшимча чора-тадбирларни ёки қўшимча чоралар мажмуини ишлаб чиқиш;

ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларидан карантин объектларини аниқлаш учун қишлоқ хўжалик ерларини, ҳудудларни, омборхона биноларини, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини назорат текширувидан ўтказишни талаб қилиш;

карантин объектларининг ўчоқлари тўлиқ йўқ қилиб бўлингандан кейин ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари олдига карантинни бекор қилиш масаласини қўйиш.

14-модда. Вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги вазифалари.

Карантиндаги маҳсулотларни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар:

ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларининг назорати остида текшириш ўтказишлари ва карантиндаги зараркунандаларга, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш ҳамда улар тарқалиб кетишининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишлари;

карантин ўрнатилган ҳудудлардан уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини ташиш учун карантин сертификатларисиз қабул қилмасликлари;

чет мамлакатлардан ва карантин остидаги жойлардан уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини олиб

келишда амалдаги карантин қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт.

Қишлоқ хўжалик ўсимликлари, доривор ўсимликлар, дарахт ва буталар етиштириш билан шуғулланувчи фуқаролар карантиндаги зараркунандаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни вақтида аниқлаш мақсадида экинлар ва дарахтларни мунтазам равишда кузатиб боришлари, улар аниқланган тақдирда бу ҳақда маҳаллий ҳокимият органларига, ўсимликлар карантини давлат инспекциясига, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги органларига дарҳол хабар беришлари ҳамда аниқланган ўчоқларни бартараф этиш чораларини кўришлари шарт.

15-модда. Ўсимликлар карантини бўйича қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Ўсимликлар карантини бўйича қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

16-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар.

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ёки битимларида ушбу Қонундагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонуни қачон қабул қилинган?

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонуни нечта моддадан иборат?

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини” тўғрисидаги қонунининг мазмун ва моҳияти нимадан иборат?

3-МАВЗУ: КАРАНТИН ОСТИДАГИ МАТЕРИАЛЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФИТОСАНИТАР НАЗОРАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ, ТРАНЗИТ ТАРТИБИ.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш тартиби
2. Дипломатик, консуллик, савдо ваколатхоналари ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан карантин назоратидаги материалларни олиб киришнинг карантин тартиби
3. Карантин назоратидаги материаллар транзитининг карантин тартиби
4. Карантин остидаги материаллар ва улар билан зарарланган транспорт воситаларни зарарсизлантириш ва тозалаш тартиби
5. Карантин назоратидаги импорт ва транзит материалларга доир ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби
6. Ўзбекистон Республикасидан карантин назоратидаги материалларни олиб чиқиш бўйича карантин талаблари

1. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш тартиби

Республика ҳудудига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш чегарадан ўтиш жойларида ташкил этилган ўсимликлар карантини чегара пунктлари томонидан амалга оширилади.

Республика ҳудудига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материалларни фитосанитар назоратидан ўтказиш ўсимликлар карантини чегара пунктлари томонидан юкларини туширишга қадар шунингдек, тушириш ва ортиш жараёнида амалга оширилади.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати инспекторлари бошқа мамлакатлардан республикамизга кемалар, поездлар, самолётлар ва автотранспортлари орқали олиб кириладиган карантин назоратидаги материалларни ҳамда почта жўнатмаларини қабул қилиб олишда бевосита иштирок этадилар.

Транспорт ёки юкнинг юзасида карантин остидаги материаллар йўқ бўлса, ўсимлик материалларининг фитосанитар ҳолатини аниқлаш учун ўсимликлар карантини чегара пункти давлат инспектори юк партияларидан белгиланган тартибда намуналарни танлаб олади ва экспертизадан ўтказилади.

Юк ва транспорт воситаларида карантин остидаги материаллар борлиги аниқланса, тасдиқлаш учун карантин лабораториясига юборилади. Аниқланган карантин остидаги материаллар белгиланган тартибда зарарсизлантирилиши ёки юк жўнатувчига қайтариб юборилиши лозим.

Ўзбекистоннинг чегара пунктига етиб келган йўловчилар, кема командаларининг аъзолари, самолёт, поезд бригадалари ва автотранспорт экипажлари божхона декларациясини тўлдириш вақтида қўл юки ёки багаж(юк хона)да уруғликлар, ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа ўсимлик материаллари бор-йўқлигини кўрсатишлари ва агар мавжуд бўлса, уларни фитосанитар назоратидан ўтказишлари шарт.

Вагонлар, трюмлар, автомашиналар, контейнерлар ва юк қўйиладиган айрим жойларни (юк хонани) очиқ кўриш ўсимликлар карантини чегара пункти давлат инспектори талабига биноан транспорт ташкилотларининг вакиллари, ҳайдовчилар ёки багаж(юк хона) эгалари билан биргаликда амалга оширилади.

Бошқа мамлакатлардан келган транспорт воситалари юк ва багаждан бўшатилганидан кейин чегара пунктлари транспорт ташкилотлари томонидан, юк олиб бориш мўлжал қилинган жойда эса юкни қабул қилиб олувчи томонидан ораста қилиб тозаланиши лозим.

Карантин объекти борлиги аниқланса ёки борлиги гумон қилинса ўсимликлар карантини давлат инспектори кемаларни фумигацияга, вагонлар ва транспорт воситаларини эса, ювиш дезинфекция станцияларига жўнатиш тўғрисида кўрсатма беради.

Ўзбекистон ва чет эл транспорт воситаларидаги карантин объекти ёки бошқа хавфли зараркунандалар билан зарарланган озиқ-овқат захиралари давлат инспекторининг кўрсатмаларига биноан зарарсизлантирилиши ёки транспорт воситалари тўлиқ зарарсизлантирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши вақтида омборхоналарда сўрғичлаб тамға босиб қўйилиши лозим.

Иккинчи марта фитосанитар назоратидан ўтказилганидан кейин ва лаборатория экспертизаси учун зарурият бўлмаса карантин назоратидаги материаллар келиб тушган жойдаги ўсимликлар карантини маҳаллий давлат инспекцияси томонидан мазкур маҳсулотдан фойдаланиш шартлари тўғрисида хулоса чиқарилади ва ижро этилиши зарур бўлган фитосанитар тадбирлар белгиланади.

Карантин ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар билан зарарланган карантин остидаги материалларга нисбатан зарарсизлантириш ва тозалашнинг самарали тадбирларини қўллашнинг имкони бўлмаса улар белгиланган тартибда экспортёрга қайтарилиши ёки йўқ қилиниши лозим.

Уруғликлар ва кўчатлар солинган посилкалар ва бандероллар Ўзбекистонга етиб келганидан кейин фитосанитар назорати ва экспертизасидан ўтказилиши лозим. Чегара пунктнинг инспектори томонидан посилкалар ва бандероллар кўздан кечирилганида уларда карантин объекти борлиги гумон қилинса улар экспертизадан ўтказиш учун карантин лабораториясига топширилади.

Дипломатик ва ташқи савдо ташкилотларининг номига келиб тушган карантин назоратидаги материалларнинг товар намуналари умумий асосларда фитосанитар назорати ва экспертизадан ўтказилиши лозим.

2. Дипломатик, консуллик, савдо ваколатхоналари ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан карантин назоратидаги материалларни олиб киришнинг карантин тартиби

Дипломатик, консуллик, давлат савдо вакиллари ҳамда Ўзбекистон ҳудудида жойлашган халқаро ташкилотларнинг вакиллари шунингдек, имтиёзлар ва имунитетлардан фойдаланувчи шахслар давлат чегарасидан ўтиш вақтида ўсимликлар карантини чегара пунктнинг давлат инспектори уларга Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ўсимликлар карантинига доир қонун ҳужжатларини ҳамда карантин назоратидаги материалларни фитосанитар назоратидан ўтказилишини тушунтиради.

Дипломатик, консуллик, савдо ваколатхоналари ва Ўзбекистон ҳудудида жойлашган халқаро ҳукуматлараро ташкилотлари учун юборилган карантин назоратидаги юклар, юк эгаси ёки унинг вакили ва юк келиб тушган жойдаги божхона органи ходими назоратида экспертиза учун намуналар олган ҳолда, фитосанитар назоратидан ўтказилади. Мазкур юкларга уларни жўнатган мамлакатнинг карантин хизмати томонидан берилган фитосанитар сертификати илова қилинган бўлиши лозим.

Карантин объектлари мавжуд деган шубҳа туғилса, юк экспертиза учун карантин лабораториясига топширилади, башарти, карантин ва бошқа хавfli зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар мавжудлиги аниқланса, уларни зарарсизлантириш ёки юк жўнатувчига қайтариб юборилиши лозим.

Бу ҳақида алоҳида далолатнома тузилиб, ўсимликлар карантини бўйича давлат инспектори манфаатдор тарафларга маълум қилади.

Чет давлатларнинг элчихоналари, миссиялари ёки айрим дипломатик ва савдо ваколатхоналари номига келиб тушган уруғли, дуккакли ва цитрус ўсимликларни фитосанитар назоратидан ўтказилиб, доналаб тозаланган, шунингдек лаборатория экспертизасидан ўтказилгандан кейин соф мевалари, башарти, карантин остидаги материаллар мавжуд бўлмаса, зарарсизлантирилмаган ҳолда олиб кирилиши ва улардан озиқ-овқат сифатида фойдаланишга йўл қўйиш мумкин.

3. Карантин назоратидаги материаллар транзитининг карантин тартиби

Карантин назоратидаги материаллар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ёпиқ ёки изотермик, ташишга яроқли ва пломбаланган вагонларда, автофургонларда, авторефрежератор ёки контейнерларда ҳамда “Божхона транзит режими тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 декабрда 577-рақам билан рўйхатга олинган) талабларини инобатга олган ҳолда транзит тарзида ташиб ўтилади.

Ушбу қоидалар бузилган тақдирда транзит тарзида ўтишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон ҳудудида транзит тарзда олиб ўтиладиган карантин назоратидаги материаллар Ўзбекистон чегара пунктларида фитосанитар назоратидан ўтказилиши лозим.

Карантин назоратидаги материалларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

уруғликлар, кўчатлар, мевалар, сабзавотлар, ёғоч материаллари карантин назоратидаги бошқа маҳсулотларнинг товар партиялари Инспекция томонидан транзит учун бериладиган рухсатномаларда белгиланадиган шартлар асосида;

(транзит юкларига экспортёр мамлакатнинг фитосанитар сертификати илова қилинган бўлиши лозим);

Почта орқали, йўловчиларнинг багаж(юк хона) ва қўл юк ичида келтирилган уруғликлар, янги мевалар, сабзавотлар ва карантин назоратидаги бошқа маҳсулотлар-ўсимликлар карантини бўйича чегара пункти давлат инспекторининг фитосанитар назоратидан ўтказилганидан кейин олиб киришга рухсат этилади.

4. Карантин остидаги материаллар ва улар билан зарарланган транспорт воситаларни зарарсизлантириш ва тозалаш тартиби

Карантин остидаги материаллар ва бошқа хавфли ўсимлик зараркунандалари билан зарарланган барча импорт юклар

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши вақтида чегара пунктларида зарарсизлантирилиши, қайтариб юборилиши ёхуд йўқ қилиниши ва бу ҳақда алоҳида далолатнома расмийлаштирилиб, манфаатдор тарафларга маълум қилиниши лозим.

Карантин остидаги материаллар ташиб бўлинганидан кейин барча турдаги транспорт воситалари албатта тозаланиши ҳамда белгиланган тартибда зарарсизлантирилиши лозим.

Транспорт воситаларини чегара пунктида ёки реализация пунктида карантин остидаги материаллардан зарарсизлантириш зарурияти ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан аниқланади. Юк қабул қилиб олувчилар ёки транспорт ташкилотлари инспекторнинг кўрсатмаси асосида ўсимликлар карантини бўйича тегишли давлат инспекцияларининг махсус фумигация отрядларига зарарсизлантириш тадбирлари ўтказиш тўғрисида талабнома берадилар.

Фумигация камералари, штабеллар, кемаларнинг трюмлари ва багаж(юк хона)ларида, вагонлар ва контейнерларда ҳамда транспортнинг бошқа турларида карантин остидаги материаллар ва ўта хавфли зараркунандалар билан зарарланган материал (товар юк)ларни зарарсизлантириш бўйича ишлар чегара пунктларида ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг махсус фумигация отрядлари томонидан амалга оширилади.

Кемалар ва баржалар, вагонлар, контейнерлар, автотранспорт ва юкларни зарарсизлантириш бўйича ишларни олиб бориш учун транспорт ташкилотлари ва юк қабул қилиб олувчилар томонидан зарарсизлантириш технологияси ва техника хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган махсус жиҳозланган бандаргоҳлар, майдонлар ва бинолар ажратилади. Транспорт воситалари ва юкларни фумигация, ҳамда дегазацияга тайёрлаш бўйича ишлар фумигация отрядлари мутахассисларининг раҳбарлиги остида транспорт ташкилотлари томонидан бажарилади.

Карантин назоратидаги материаллар чет эллардан зарарсизлантирилган ҳолда жўнатилганда улар Ўзбекистон Республикаси чегара пунктларида фумигация отрядлари томонидан тўғри дегазация қилинганлиги текширилади.

Цитрус ўсимликлари меваларини рефрежерация қилиш ва уларни музлатгич камераларда зарарсизлантириш ўсимликлар

карантини давлат инспектори назорати остида юкни қабул қилиб олувчилар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Зарарланган карантин остидаги материалларни дегазация, фумигация, рефрежерация қилиш ёки бошқа усулларда зарарсизлантиш (тозалаш, қайтариб юбориш ёки бошқа манзилга жўнатиш, йўқ қилиб юбориш), юкларни, багаж(юк хона)ларни посилкаларни очиш ёки ўрамлаш, уларни зарарсизлантириш жойларга олиб бориш ва у ердан қайтариб олиб келиш билан боғлиқ харажатлар юкни қабул қилиб олувчи ҳисобидан қопланади.

5.Карантин назоратидаги импорт ва транзит материалларга доир ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби

Импорт материалларга карантин рухсатномасини олиш учун импорт қилаётган ташкилотлар контрдалолатнома тузишга камида 30 кун қолганида Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантин бош давлат инспекциясига ариза беришлари лозим.

Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтиш мўлжалланган карантин назоратидаги материалларнинг номи ва миқдори (ҳар бири тури бўйича алоҳида);

материаллар жўнатиладиган ва улардан фойдаланиладиган жой (манзил, транзит тарзидаги юклар учун эса йўналиш ва жўнатилаётган мамлакат);

транзит тарзидаги карантин назоратидаги импорт материалларни олиш мўлжал қилинаётган мамлакат, шунингдек мазкур материаллар етиштирилган мамлакат номи;

карантин назоратидаги материаллар етиб келишининг ёки транзит тарзида ташиб ўтилиши мўлжал қилинаётган муддатлари;

мазкур юклар олиб кириладиган ва чиқиб кетиладиган Ўзбекистон Республикасидаги чегара пунктнинг (порт, бандаргоҳ, темир йўл станцияси, аэропорт, автостанция ва шу кабилар) номи.

Карантин назоратидаги импорт материаллар учун рухсатнома бериш сўралган аризада импортёр ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси томонидан белгиланган карантин шартлари ва

тадбирларини ўз ҳисобидан ва ўз кучи билан бажаришини таъминлаш кафолатини зиммасига олиши шарт.

Карантин назоратидаги материалларни олиб келиш тўғрисида биринчи маротаба ариза берилганда аризага фаолиятининг ушбу тури билан шуғилланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси илова қилинади.

Почта жўнатмаларида йўловчиларнинг ёки кемалар, самолётлар экипажларининг аъзолари ёхуд поезд бригадаси аъзоларининг багада, қўл юкида Ўзбекистонга олиб кириш тақиқланган карантин остидаги материаллар мавжуд эканлиги маълум бўлиб қолса, ўсимликлар карантини бўйича давлат инспектори томонидан ундай маҳсулотлар олиб қўйилади ва юк эгалари иштирокида йўқ қилиб юборилиши ёки зарарсизлантирилиши лозим.

Илмий аҳамиятга эга бўлган уруғликлар ва кўчатлар уларнинг эгалари розилиги билан интродукцион-карантин питомникларига топширилиши мумкин.

Йўловчилардан карантин остидаги материаллар (қўл юки ва багаж) олиб қўйилганда бу ҳақда ўсимликлар карантини бўйича давлат инспектори икки нусхада далолатнома тузади ва унинг бир нусхаси материал эгасига топширилади.

Импорт уруғликлар, кўчатлар ва бошқа карантин назоратидаги импорт материаллар чегара пунктларидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига транспортировка қилинганида ёки юкни қабул қилиб олувчилар турлича бўлганида ўсимликлар карантини бўйича давлат инспектори ҳар бир ҳолда алоҳида белгиланган шаклдаги фитосанитар сертификати (намунаси Низомнинг 4-иловасида келтирилган) беради. Сертификатнинг биринчи ва иккинчи нусхалари транспорт ҳужжатларига илова қилинади.

Карантин фитосанитар сертификат ҳар бир транспорт бирлиги учун алоҳида берилади.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган карантин назоратидаги материаллар ўсимликлар карантини бўйича давлат инспектори томонидан фитосанитар сертификати бор-йўқлиги текширилган ҳолда карантин назоратидан ўтказилади ва

фойдаланиш (уни қайта ишлаш) учун ҳар бир бирлик (партия) учун фитосанитар сертификат беради.

Зарарсизлантирилган карантин остидаги материалларга берилган карантин сертификатида зарарсизлантириш ўтказилган жой, соат, маҳсулот қандай усул билан зарарсизлантирилганлиги, унинг миқдори, экспозицияси, грамм нормаси ва зарарсизлантириш ўтказилган кун кўрсатилиши лозим.

Карантин назоратидаги материалларни дарё портлари, аэропортлар, темир йўл ва автомобил станциялари, алоқа корхоналари ва бошқа чегара пунктлари ҳудудидан, мамлакат ичкарисига олиб кирилишига фақатгина фитосанитар сертификати мавжуд бўлса ёки илова қилинган ҳужжатларда ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктнинг Ўзбекистонга олиб киришга рухсат этадиган белгиланган намунадаги штампи туширилган бўлса йўл қўйилади.

Башарти, чет мамлакатлардан карантин остидаги юклар ва материаллар келган бўлиб, уларни карантин шартларига биноан бошқа муассаса, ташкилот ёки минтақага жўнатиб юбориш лозим бўлса, мазкур материалларни бошқа манзилга жўнатиш, Инспекция рухсати билан тегишли ўсимликлар карантини давлат инспекцияси кўрсатмасига биноан алоқа корхоналарининг, аэропортлар, темир йўллар ва автостанциялар ҳамда бошқа транспорт ташкилотларининг маъмурияси томонидан юклар ва материалларни қабул қилиб олувчи ҳисобидан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикасидан карантин назоратидаги материалларни олиб чиқиш бўйича карантин талаблари

Ўзбекистондан чет мамлакатларга олиб чиқиладиган карантин назоратидаги материаллар Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ўсимликлар карантини бўйича тузилган конвенциялар ва халқаро битимларда шунингдек савдо шартномаларида, контрактларда ва импорт қилаётган мамлакатнинг қўшимча талабларида назарда тутилган фитосанитар шартларга жавоб берадиган бўлиши лозим.

Илмий тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини синаш давлат комиссияси томонидан чет

мамлакатларга юбориладиган уруғликлар ва кўчатлар улар етиштирилган жойларда карантин экспертизасидан ўтказилиб, уларга фитосанитар сертификати илова қилинади.

Фитосанитар сертификати импортёр мамлакатлар билан ўсимликлар карантини бўйича тузилган битимлар ва халқаро конвенцияларда назарда тутилган, шунингдек импортёрларнинг қўшимча равишдаги фитосанитар талабларида кўрсатилган талабларга мувофиқ, карантин назоратидаги материалда зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар йўқ эканлигини тасдиқлаш лозим.

Фитосанитар сертификатида юкни зарарсизлантириш тўғрисида маълумотлар, бундай материалларни етказиб бериш бўйича бошқа қўшимча фитосанитар талаблар бажарилганлиги тўғрисида маълумотлар кўрсатилади, башарти, бу нарса импортёр томонидан ёки шартномада назарда тутилган бўлса, ўсимликларни ботаник номи лотинча ёзилади.

Фитосанитар сертификати юк олиб чиқиб кетаётган ҳар бир транспорт бирлигига (вагон, автомашина, кема, баржа ва бошқалар) ёки ҳар бир партияга юкни жўнатишга кўпи билан ўн беш кун қолганида берилади ва бошқа ҳужжатлар билан биргаликда юкни қабул қилиб олувчи номига жўнатилади. Фитосанитар сертификати муҳр билан тасдиқланади.

Экспорт ёки қайта экспорт учун фитосанитар сертификати олиш мақсадида юк жўнатувчи импортёрнинг талабларига мувофиқ ҳолда юк партиясини тайёрлаб қўйиш ва карантин назоратидаги материалларни жўнатишдан камида 30 кун олдин Республика, вилоят, шаҳар ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси ёки унинг пунктларига фитосанитар сертификати берилиши учун ариза тақдим этиши лозим.

Экспорт қилинаётган юклар дастлаб жўнатилаётган жойларда фитосанитар назоратидан ўтказилади, иккинчи марта эса, қайта юклаш (экспорт партиясининг шакллантириш) вақтида дарё портлари, темир йўл станциялари ва бошқа чегара пунктларида ўтказилади. Чегара пунктида қайта юкланмаган ҳолда экспорт қилинганида юк жўнатишдан жойдан берилган фитосанитар сертификати қай даражада тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш билангина кифояланиш мумкин.

Олис хориж мамлакатлари учун фитосанитар сертификати аризага мувофиқ ҳар бир вагон, кема, баржа, автомашина ёки бошқа транспорт бирлиги, ёхуд экспортга жўнатилаётган карантин назоратидаги материаллар партияси учун берилади. Фитосанитар сертификати уч нусхада тузилиб, биринчи ва иккинчи нусхалари юк жўнатувчига берилади, учинчи нусха эса, чегара пункти ёки давлат инспекциясида қолдирилади.

Карантин назоратидаги материаллар қайта экспорт қилинаётганда уларга нисбатан ушбу Низомда кўрсатилган барча карантин талаблари тадбиқ этилади.

Карантин назоратидаги материалларни Республикадан чиқиб кетишига улар тайёрланган жойдаги тегишли ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси томонидан берилган карантин фитосанитар сертификати мавжуд бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

Назорат учун саволлар?

1. Карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш тартибини гапириб беринг?
2. Карантин фитосанитар сертификати нима?
3. Импорт материалларга карантин рухсатномасини олиш учун нималар қилиш керак?
4. Карантин остидаги материалларни зарарсизлантириш тўғрисидаги тушунчангиз?
5. Ўзбекистон ҳудудида транзит тарзда олиб ўтиладиган карантин назоратидаги материаллар қачон ва қаерда фитосанитар назоратдан ўтказилади?
6. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган карантин назоратидаги материаллар ва транспорт воситаларини фитосанитар назоратидан ўтказиш тартиби қандай?

4-МАВЗУ: ЭКСПЕРТИЗА УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. ЭНТОМОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ЛАБОРАТОРИЯСИ

Режа:

1. Энтомологик экспертизанинг умумий қоидалари.
2. Кўчат ва мева зараркунандаларининг экспертиза усуллари
3. Лаборатория энтомологик экспертизаси

1. Энтомологик экспертизанинг умумий қоидалари.

- Лабораторияга олиб келинган ҳар қандай материални биринчи бўлиб энтомолог текширади.

- Материалда ҳашарот ва каналар бор-йўқлиги аниқланади; агар улар фаол ҳолда бўлса, улар ташқарига чиқиб кетмаслиги учун чора кўрилади, жумладан, материал пленкага ўралади ёки шиша қалпоқ билан бекитилади ва ҳашаротлар эфир ёки дилхлорэтан билан ўлдирилади. 5-10 дақиқадан сўнг материални текшириш давом эттирилади.

- Лаборатория хонасида ойна ва дарчалар ёпиқ бўлиши ёки уларга дока ёхуд қалин тўр тутилган бўлиши лозим.

- Келтирилган материални ўша куннинг ўзида экспертиза қилиш лозим.

- Сўнгра материал батафсил экспертиза қилинади, жумладан лупа ёки бинокуляр микроскопда текширилади, кичик аъзоларидан препарат тайёрланиб, улар микроскопда таҳлил қилинади. Экспертиза пайтида топилган зарарли ҳашаротлардан ҳар бирининг намунаси алоҳида пробиркага солиниб, унинг ичига дарҳол бироз пахта ва этикетка қўйилади.

- Ўша пробиркага зарарланган материалнинг намунаси ҳам қўйилади ва пробирканинг оғзи пахта тиқини билан ёпилади.

Этикеткага қуйидагилар ёзилади.

- Экспертиза баённомаси рақами;
- Қандай материал ва қайси мамлакатдан олиб келинганлиги;
- Аниқланган зарарли ҳашаротнинг лотинча ва ўзбекча номи;
- Аниқланган зарарли ҳашарот қайси ривожланиш фазасида ва қандай ҳолатда эканлиги;

- Экспертиза ўтказган мутахассиснинг фамилияси ва исми;
- Экспертиза ўтказилган сана. Бунда қуйидаги қисқартиришларни қўллаш мумкин: **тир**-тирик; **ў**-ўлик; **лич**-личинка; **ғ**-ғумбак; **қ**-капалак қурти; **ур.ич.**-уруғ ичида; **ур.ор**-уруғлар орасида.

Тирик личинка ва капалак қуртлари олдин махсус кимёвий моддалар ёрдамида фиксация қилинади. Лабораторияга олиб келинган ва экспертиза қилинган барча намуналар 6 ой давомида сақланади.

Бу кўрсатмалар чет элдан олиб келинадиган, шунингдек карантин объектлари билан зарарланган худуддан келтириладиган ўсимлик юкларига нисбатан жорий қилинади.

Чет эллардан келтирилган ўсимлик материалларидан намуна олиш йўллари:

Чет элдан келтириладиган ўсимлик юкларини республикаимиз худудидаги биринчи пунктда ўсимликларни карантин қилиш давлат инспекцияси қўшимча кўриқдан ўтказади.

Давлат карантин инспектори карантин юкни қўшимча кўриқдан ўтказиб бўлганидан кейин, бу ўсимликларнинг ҳар бир партиядан лабораторияда экспертиза қилиш учун ўртача намуна олади.

Партия деб, бир вақтнинг ўзида қабул этиладиган, топшириладиган, тарқатиладиган бир турдаги карантин ўсимликнинг муайян миқдорига айтилади.

Дастлабки намуна учун уруғ шчуп ёки қўл билан қопнинг ҳар жой-ҳар жойидан олинади.

Заранг, шумтол уруғи сингари канотчали уруғлар қоп ёки яшиқдан брезентга бир текис қилиб тўкилади, сўнгра уларнинг ҳар хил жойларидан қўл билан дастлабки намуналар олинади.

Нечта копдан дастлабки намуна олиш зарурлиги партиядан катта-кичиклигига қараб белгиланади.

Партиядан олинган хамма дастлабки намуналар кўздан кечирилгандан кейин, бирга қўшилиб умумий намуна тузилади; бу намунани ***асосий намуна*** дейилади.

Асосий намуна учун олинган дастлабки намуналарни кўздан кечиришда уларда зараркунанда, касаллик, бегона ўтларнинг бор-йўқлигига эътибор берилади.

Лабораторияда экспертиза қилиш учун алоҳида намуна ажратилади; бунинг учун асосий намуна текис майдончага тўкилади ва иккита линейка билан аралаштирилади, сўнгра юпқа қилиб квадрат шаклида ёйилади. Бундан кейин квадратдаги уруғлар халиги линейкалар билан бурчакма-бурчак бўлиниб, тўртта учбурчак хосил қилинади.

Сўнгра бир-бирига қарама-қарши турган иккита учбурчакдаги уруғлар йиғиштириб олиниб, қолган иккита учбурчакдагилари бир-бирига қайтадан аралаштирилади ва яна тўртта учбурчакка бўлинади. Уруғларни бундай ажратиш иши то қарама-қарши жойлашган иккита учбурчакда анализ қилинаётган экинларнинг ўртача намунаси учун зарур миқдор уруғ қолгунча давом қилдирилади. Агар асосий намунанинг оғирлиги ўртача намуналикдан ошмаса, у ўртача намуна бўлиб ҳам ҳисобланади.

Ўртача намуна ўткир баргли заранг уруғидан-1000 грамм; шумтол, татар заранги, ингичка баргли жийда уруғларидан-500 грамм; оқ акация, нок, олма, олча, сариқ акация уруғларидан-300 грамм; қайрағоч уруғидан-200 грамм миқдорида олинади.

Оз миқдорда (пакет ва халтачаларда) келтириладиган сабзавот, манзарали ва бошқа ўсимликларнинг уруғларини экспертиза қилишда келиб чиқиши бир хил бўлган айрим ўсимлик(экин)нинг ҳар навидан намуна олинади, сўнгра қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

а).25 пакетгача бўлган партиядо ҳамма пакетлардаги уруғлар кўриб чиқилади;

б).100 пакетгача бўлган партиядо ҳар тўртинчи пакетдаги уруғлар кўриб чиқилади;

в). кўп миқдордаги партия 100 пакетлик партияларга ажратилиб, юқоридаги “б” бандида кўрсатилганидек таҳлил қилинади.

Икки килограммгача миқдорда илмий-текшириш мақсадларида келтириладиган уруғлик чигит намуналарининг ҳаммаси анализ қилиш учун карантин лабораториясига топширилади.

Ҳар партиядоги туганак, бошпийёз, илдизпояларнинг сони 500

донадан ошиқ бўлмаса, бундай материал доналаб кўздан кечирилади. Партиядаги материал 500 дондан кўп бўлганида, бундан ошиқча туганак (бош-пиёз)нинг 10-15 проценти қўшимча кўриб чиқилади.

Партиялардаги кўчат, қаламча, пархешлар 10 бўлакача бўлганида, ҳар бўлакдаги кўчат, қаламчаларнинг 10-15 фоизи кўздан кечирилади; партиядаги кўчат, қаламчалар 100 бўлаккача бўлганида, 10 бўлакдан ошиқча кўчат, қаламчаларнинг 15 фоизи қўшимча кўрилади.

Агар материаллар 100 бўлакдан кўп бўлса, бу ҳолда улар 100 бўлакдан қилиб алоҳида партияларга ажратилади ва юқоридаги 2-моддада кўрсатилганидек кўздан кечирилади.

Чет элдан келтириладиган кўчат, қаламча, туганак, илдизпоя, бошпиёзлардан, улар зарарланган ёки шубхали бўлиш-бўлмаслигига қарамай, лабораторияда таҳлил қилиш учун албатта намуна олинади.

Бу намунага ҳар хил жойлардан олинган материалларнинг 1 фоизи киритилади. Ўсимликларга илашиб келган тупрок қолдиқлари ҳам шу намунага қўшилади.

Озиқ-овқат ҳамда қайта ишлаш учун келтириладиган хўл мева, сабзавот ва бошқа маҳсулотлардан иборат юклар қуйидаги миқдорларда қўшимча кўрикдан ўтказилади.

Ҳар яшиқдаги меваларнинг камида 15 донаси кўздан кечирилади. Мевалар зарарланган бўлса ёки зарарланган деб гумон қилинса, у вақтда лабораторияда анализ қилиш учун намуналар олинади.

2.Кўчат ва мева зараркунандаларининг экспертиза усуллари

Ўзбекистон ҳудудида чет эл мамлакатларидан ҳар хил савдо шартномалар асосида жуда кўп мева ва резаворлар олиб келинади. Ундан ташқари кўп мева ва резаворларни автомобил темир йўл ва ҳаво йўллари, пассажирлар ўзлари билан олиб келади. Айрим ҳолларда мева ва резаворлар халқаро жўнатмаларда ҳам ҳудудимизга келиши мумкин.

Товар партиялардаги мева ўрамлари хилма-хил бўлиши

мумкин. Олма, беҳи, нок, анорларни кўп ҳолларда ёғоч ёки пластик яшиқларда олиб келинади. Баъзи ҳолларда олма ва апельсинларни ноозиқ навларини ҳар биттаси алоҳида юпқа қоғоз яшиқларда келтириши мумкин. Шарқий Осиёдан олиб келинадиган мевалар эзилмаслиги учун яшиқлар ва меваларни ораларига шоли қипиқлари солиши мумкин. Қароли, ўрик, черешня, гилос ва узумлар бўйи 25см дан ошмаган яшиқларда олиб келинади.

Катта товар партиялардаги меваларни киритилишида йўловчи ҳужжатларда мамлакатнинг номи ва бошқа маълумотлар топиш қийин эмас. Жўнатмалардаги меваларни ҳам йўлланган манзиллари ёзилган бўлади. Масалан Шарқий Осиё Европанинг айрим давлатлари ҳамда Шимолий Америка ва бошқа давлатлардан олиб келинадиган олма, нок, беҳи, шафтоли, ўрик ва қароли мевалари шарқ мевахўри-*Grapholitha molesta* билан, Шимолий Америкадан олиб келинган олмалар ўзимизда учрамайдиган ташқи карантин объекти деб тан олинган олма пашшаси (*Rhagoletis pomonella*) билан зарарланган бўлиши мумкин.

Ўрта ер денгизи қирғоқларида жойлашган мамлакатлардан ўта хавфли ташқи карантин объекти бўлган ўрта ер денгизи мева пашшасини (*Ceratitis capitata*) учратиш мумкин. Шарқий Осиёдан олиб келинган мева резаворларда, айниқса олма, шафтоли, ўрик, қароли, узумларда уларни ўровчи материалларда, тараларида Америка капалаги (*Nuphantria cunea*) нинг қурт ва ғумбаклари топилиши мумкин. Улардан ташқари, ҳар хил қалқондорлар, унсимон қуртлар, жумладан калифорния қалқондори (*Quadraspidiotus pentagona*), тут қалқондори ва бошқа зараркунандаларнинг тухумларини учратиш мумкин.

Кўчатларни экспертизасини ўтказиш учун ишчи жой тайёрланади ва келган посилкаларни очилади. Аста секин кўчатларни бўшатилади ва атрофдаги пахта шохларни олиб ташланади.

Кўчатлар бита-битта олиб кўриқдан лупа ёрдамида ўтказилади. Кўчатларни кўриқдан ўтказиш илдиздан бошланади. Қолдиқ тупроқ скальпель ёрдамида тозаланади. Петри лycopчасига солиниб бинокуляр ёрдамида хашарот ёки кана бор йўқлиги аниқланади. Илдиз бўйнига алоҳида диққат қилиниши лозим.

Патологик шиш, галлалар скальпель ёрдамида очилади ва кўриқдан ўтказилади. Кўчат поя қобиғи, поялар, поя қўлтиқлари, куртаклар ҳам қалқондорларни бор йўқлигига аҳамият берилиб кўриқдан лупа ёрдамида аниқланади.

Айниқса куриб қолган ўсимлик қисмларини текшириш лозим. Зараркунанда аниқланилгандан кейин уларни скальпель ёрдамида кесилади ва устидан парафин қуйилади. Зараркунандаларни териб олиб фиксаторга жойланади.

Албатта мевалар қайси хашаротлар билан зарарланиши мумкинлигини билиш лозим. Хашаротлар меваларни ташқаридан зарарлаши мумкин. Бу ҳолатда лупа, бинокуляр ёрдамида хашарот тури аниқланади.

Мева устида тешиқлар бўлса меваларни ичи очилади ва териб олинган хашаротлар фиксация қилинади.

3.Лаборатория энтомологик экспертизаси

- 1.Уруғларни бирма-бир кўриб чиқиш
2. Уруғларни элакдан ўтказиш усули
3. Флотация усули
- 4.Рентгенография усули
- 5.Макролюминесцент усули
- 6.Биологик усул

Ўсимликларни кўриқдан ўтказиш ва экспертиза усуллари бир бирига боғланган процесслардир.

Лаборатория экспертизаси қуйидаги ташҳисларни ўзининг ичига олади: энтомологик, фитопатологик, вирусологик бактериологик, фитогелминтологик ва бегона ўтлар.

Энтомологик экспертизаси. Энтомологик ташҳис ўз ичига карантин махсулотлардаги хашаротлар, ўргимчакларни бор йўқлигини аниқлашга қаратилган.

Махсулотларни хажмига қараб таҳлил ҳар хил усул ёрдамида ўтказилади: уруғларни бирма-бир ёки элакдан ўтказиш, флотация, рентгенография, макролюминесцент ва биологик усуллари.

Уруғларни бирма-бир кўриб чиқиш усулида қўлланилганда шпатель ёки скальпель ишлатилади.

Экспертизага тушган посилкалар, бандероллар ва уларни ичига жойлашган кам миқдордаги уруғлар авваламбор ташқаридан зараркунандалар тешмаганлиги аниқланади. Пакетларни ичидаги уруғларни 1-2 см қалинликда ёзган ҳолатда шпатель ҳамда скальпель ёрдамида бирма-бир кўрилади.

Зарарланган уруғлар пробиркаларга жойланиб тиқинлар билан ёпилади. Экспертиза давомида хашаротларни аниқлашда лупалар ва бинокулярлар қўлланилади.

Уруғларни кўздан кечириш- жуда кўп меҳнат талаб қиладиган усул бўлиб, ҳар хил уруғлар, ғалла дони, майда қуритилган мевалар ва шуларга ўхшаш материалларни экспертиза қилишда ишлатилади. Кўздан кечириш хажмига қараб у ҳар хил тарзда ўтиши мумкин. Уруғларнинг майда ботаник организмларини кўздан кечиришда пластмасса ёки металпатнисларда фойдаланиш тавсия этилади. Бундан ҳам кичик хажмдаги уруғлар намунасини ҳатто оқ қоғоз сатҳида кўздан кечириш мумкин. Уруғларни текшириб кўришда шпатель ёки скальпель ишлатилади.

Уруғларни элаш усуллари- агар намунада уруғлар ичида хашаротлар чиқиндилари кўп бўлса тупроқ элаклари ишлатилиши мумкин. Элаш жараёнида элакларни юқори қисмида ҳар хил хашаротлар, ўрталарида майдароқ хашаротлар, энг пастида эса хашаротларнинг чиқиндилари ва каналар тушади. Ушбу усулни қўллаш жуда майда хашаротларни аниқлашда биринчи новбатда капр қўнғизни аниқлашда қатъиян ман этилади, чунки қўнғиз личинкалари жуда майда бўлиши боис улар элакларнинг ҳар хил тешик ва ёриқларига кириб қолиши мумкин. Табиийки кейинчалик ушбу элаклар, агар яхшилаб зарарлантирилмаса, капр қўнғизини ўчоғига айланиши мумкин. Зарарсизлантириш учун элаклар кўп вақт сувда қайнатилиши керак.

Флотация усули. Флотация уруғларни зарарланганлигини аниқлашда ёрдам берувчи усул. Флотация усулида ҳар хил миқдорда ош тузи ёки селитра эритмаси қўлланилади. Бунда 1 л сувда 570-730 г селитра 15⁰С да эритилади.

Карантин лабораторияларининг жойланиши, асосий йуналиши ва иш хажмига боғлиқ ҳолда жихозланиши ҳар хил бўлади. Чегара пунктларидаги кичик лабораторияларида одатда оддий таҳлиллар қилинади ва шу боис улардаги ускуна–жихозлар мураккаб

бўлмайди. Вилоят ва марказий лабораторияларда юқори малакали мутахассислар ишлайди (энтомолог, фитопатолог, бактериолог, фитогелминтолог, ботаник, рентгенолог ва токсикологлар) ва уларнинг фаолияти учун мураккаб махсус ускуна ва жихозлар керак бўлади.

Рентгенография усули-уруғларни зараркунанда томонидан яширин шаклда зарарланганлигини аниқлашда рентгенография усули қўлланилади.

Бунинг учун АРС-1 номли рентген аппарати ишлатилади.

Уруғларни рентгенография қилиниши қўйидаги тарзда ўтади.

Юпқа пергамент қоғоз сатхига уруғлар бир қатлам қилиб махсус тахтадан ясалган қутиларга жойлаштирилади. Қутиларни тагига қора қоғозга ўралган янги фотоплёнка қуйилади. Кейин уруғлар рентген нурлар билан кўрилади. Нурланиш давомийлиги беш дақиқа.

Кейин қутичалар чайқатилмасдан бошқа столга қуйилади. Рентнограммалар эса тегишли ишловлардан сўнг синчиклаб кўздан кечирилади ва ҳамма шубхали уруғлар қалам ёрдамида белгиланади.

Рентгенограммаларда уруғларнинг ичида мавжуд ҳашаротларнинг личинкалари, ғумбаклари ва қуртлари ҳамда чиқиндилари яққол кўринади.

Бундан ташқари тирик ва ўлик ҳашаротлар ҳам кўрилади.

Кейин қутичадаги зарарланган уруғларнинг рентгенограммалари солиштирилиб пинцет ёрдамида олинади ва энтомологик экспертиза ўтказилади.

Ушбу усул билан асосан импорт қилинган ғўза уруғлари, маданий ёки ёввойи ўсимликлар уруғи текширилади.

Макролюминесцент усули - ушбу усулда айрим зараркунандалар томонидан зарарланган уруғ, кўчат ва қаламчаларни зарарланганлигини аниқлашда ишлатилади. Бу зараркунандалар қуйидагилар:

Карантин ости уруғлар, шу жумладан хитой донхўри ва бразилия уруғхўри. Буларнинг тухумлари ҳамда омбор узунбуруни тухумлари яраклаб люминесцентланади. Булардан ташқари қизил қон бит ва унсимон қуртлар чиқиндилари ҳам қаламча ва кўчатларнинг ёрикларида яхши люминесцентланади.

Бу усул қўлланишда махсус аппаратура ишлатилади. ЛМЮ ёки Л-84 русуми аналитик симоб квартели партатив лампа ҳамда ПРК-4 лампа ёрдамида кўрилмайдиган ультра бинафша нурларни ўтказадиган УФС-3 ёруғлик фильтри.

Иш қоронғи хонада ўтиши шарт агар уруғлар намуналар кўп бўлса махсус транспортёр мослама қўлланилади. Уруғ бункерга солинади ва аста-секин махсус моторча ёрдамида ишлаётган транспортёрга тушади ва нурланиш манбадан ўтган сайин зарарланган уруғлар кўздан кечирилади. Зарарланган уруғлар кўриниши билан транспортёр тўхтатилади ва уруғлари пенцит ёрдамида кейинги энтомологик таҳлил учун олинади, сўнгра транспортёр яна ишга туширилади.

Биологик усул-кўп ҳолларда кўрик жараёнида лаборатория экспертизаси ва таҳлилида зараркунанда ёки микроорганизмларнинг ҳаммаси эмас балки мицелийлари, ғумбаклари ёки тухумлари топилади. Ҳашаротларнинг эса аксарият ҳолларда фақат имагосидан аниқлаш мумкин. Шундай экан уларнинг қайси ҳашарот турига мансублигини аниқлаш учун личинка ғумбак ёки тухумларни етук ҳашарот давригачи парвариш қилишга тўғри келади.

Личинка ва куртларни имаго давригача олиб бориш учун уларни шиша банкага солиб оғзини марлия билан маҳкам ёпиш керак. Уларни боқиш учун қаерда топилганига қараб ўша маҳсулот банкага солинади. Уларнинг ривожланиши узлуксиз ўрганилади. Аниқлангандан кейин улар ўлдирилади ва кейинчалик экспорт сифатида ишлатилади. Люминесценция –газ, суюқлик ёки қаттиқ жисмнинг совуқ ҳолда нур сочиши (нурланиши).

Назорат учун саволлар:

- 1.Этикеткага қандай қисқартиришларни қўллаш мумкин?
- 2.Лаборатория экспертизаси қайси таҳлилларни ўз ичига олади?
- 3.Кўчат ва мева зараркунандаларининг экспертиза усуллари гапириб беринг?
4. Лабораторияга олиб келинган ҳар қандай материални биринчи бўлиб ким (бактериолог, герболог, фитопатолог, вирусолог, микробиолог, биотехнолог, энтомолог) текширади?

5-МАВЗУ: ОМБОРХОНАГА КЕЛТИРИЛАЁТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ КАРАНТИН ТЕКШИРУВИ ВА ЭКСПЕРТИЗАСИДА НАМУНАЛАРНИ ТАНЛАШ УСУЛЛАРИ

Режа:

1. Омборхонага келтирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан намуналарни танлаш усуллари. Уруғлик материаллардан намуналарни танлаш.
2. Озиқ-овқат ва техник мақсадлар учун мўлжалланган маҳсулотлардан намуналарни олиш.
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни олиш усуллари.

1. Омборхонага келтирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан намуналарни танлаш усуллари

Маҳсулотнинг карантин ҳолати, барча маҳсулотларни кўздан кечириш ва ундан олинган намуналарни экспертиза қилиш асосида аниқланади.

Текшириб кўриш автоуловларни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, идишларни ташқи назоратдан ўтказиш, карантинга лойиқ материаллардан аниқ миқдордаги намуналарни танлаш, ўсимликларни ва бегона ўтларнинг зараркундаларини аниқлаш учун кўздан кечирилади.

Намуна текшириб кўришда ва экспертизада танлаб олинган, карантинли-ҳашаротларнинг паразит нематодаларнинг турлари, бегона ўтларнинг уруғлари, касалликларни ва зараркундаларни кўзгатувчи микропрепаратлар зараркундалар ва касалликлар билан шикастланган, ўсимликларнинг қисмларини маҳсулотнинг карантинли ҳолатини тасдиқловчи материал.

Уруғлик материаллардан намуналарни танлаш Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг уруғлик материалидан карантин текшируви ва экспертиза учун материалларидан карантин текшируви ва экспертизаси учун нуқтали намуналарни, текширилаётган ҳар битта вагондан, автомашинадан, кемадан, омбордан ва уюмдан олинади.

Йирик уруғли маданий ўсимликлардан олинган ҳар битта нуқтали намуна камида 20-25 гр, майда уруғликлардан камида 10 гр миқдорда бўлиши керак. Жўнатишга тайёрланган ёки ёйиб сақланаётган уруғлардан намуналар олишда унинг юзасининг ҳажми ва қалинлиги эътиборга олинаши керак. Автомашиналардаги уруғларнинг нуқтали намуналарини, ёйма юзасининг бешта нуқтасидан конусли шуп билан бурчакларидан ва марказдан олинади. Ҳар битта кўрсатилган нуқталардан намуналарни учта қатламдан: устки қисмини-10 см чуқурликда, ўртачасини ва пасткисини, кузов тубидан 10-15 см масофада олинади. Вагонга тўла ортилган юклардан нуқтали намуналарни, ҳар бир тонна уруғга, намуналарнинг умумий массаси 100 г ни ташкил қиладиган ҳисоб билан бир хил вақт оралиқларида, махсус ковш билан бутун кенглиги ва қалинлиги бўйича кесиш йўли билан, транспортёрдан тушаётган оқимдан олинади.

Юк вагонга тўлиқ ортилмаганда, нуқтали намуналарни қуйидаги тарзда конусли шуп билан айнан вагоннинг ўзидан олинади; 16-20 т сиғимли вагонларда ёйма юзасининг бешта нуқтасидан, икки ҳисса кўп юк кўтарувчи вагонларда 33-40 т ёйма юзасининг саккизта нуқтасидан, уч ҳисса кўп юк кўтарадиган вагонларда 60 т-ёйма юзасининг ўнта нуқтасидан намуналар олинади.

2.Озиқ-овқат ва техник мақсадлар учун мўлжалланган маҳсулотлардан намуналарни олиш

Вагонларда ва машиналарда ташилаётган ёки ёйиб сақланаётган дон маҳсулотларнинг нуқтали намуналарини танлаш, уруғлардан нуқтали намуналарини танлашга ўхшаб бажарилади. Бунинг учун нуқтали намуналар олинаши керак бўлган, вагонларнинг (автомашиналарнинг) сони, тўпнинг катталигига қараб аниқланади.

Буғдойни туширгунча, кемаларнинг трюмида унинг юзасини ҳар қайси тахминан 100 м² бўлган секцияларга бўлинади. Буғдойнинг нуқтали намуналарини, тўкилган буғдойнинг 1 ва 2 м чуқурлигида ташқи қатламида, бешта нуқтасидан олинади. Буғдойни трюмлардан туширишда (ортишда) нуқтали

намуналарни, буғдойни бутун ҳаракат вақти давомида, бир хил вақт оралиғида оқимни кесиб ўтиш йўли билан, механик намуна танлагич ёки махсус ковш ёрдамида, қия жойларидан, тўкилаётган буғдойнинг оқимидан олинади. Нуқтали намуналарни танлашнинг даврийлигини, тўп массасини ҳаракат тезлигига қараб ўрнатилади. Ҳар битта нуқтали намуналарнинг массаси, буғдойнинг 5 тоннасига, камида 100 г бўлиши керак.

Тўпдаги вагонларнинг (автомашиналарнинг) сони	Нуқтали намуналар олинаётган вагонларнинг (автомашиналарнинг) сони
5 тагача 6 тадан 15 тагача 15 тадан кўп	Ҳар қайси вагондан Ҳар қайси учинчисидан Ҳар қайси бешинчисидан

Трюмдаги ёйилган битта қатламдан (битта секциядан) олинган нуқтали намуналарнинг умумий массаси, тахминан 4,5 кг бўлиши керак.

Кемаларнинг танкларидан (танкерлардан), нуқтали намуналарни юзанинг учта нуқтасидан ва кўрсатилган нуқталарнинг ҳар биридан-икки қатламда: юзадан 10 см масофада ва 1м чуқурликда олинади. Тушириш вақтида ҳар қайси 4 м да бу жараён қайтарилади.

Уюмлардан буғдойнинг нуқтали намуналарини оқаётган оқимдан, тўкиш вақтида, ҳар қайси 5 т буғдойга танланган нуқтали намуналарнинг умумий массаси камида 100 г ни ташкил қиладиган ҳисоб билан тенг вақтлар оралиғида, махсус ковш ёки намуна танлагич билан танланади.

Омборларда буғдойнинг юзасини тахминан 100 м² секцияларга бўлинади. Ҳар битта секцияда нуқтали намуналарни, вагонлардан нуқтали намуналарни танлашга ўхшатиб, бешта нуқтадан олинади.

Картошкалардан ва илдизпоялардан нуқтали намуналарни олдиндан тахминан 100 м² секцияларга бўлинган тўпнинг иккита қатламининг бешта нуқтасидан олинади.

Вагонларда ва автомашиналарда ташиладиган картошкалардан ва илдизпоялардан нуқтали намуналарни, иккита қатламнинг бешта нуқтасидан танланади.

Нуқтали намуналарни танланадиган вагонларнинг (автомашиналарнинг) сонини, тўпнинг катталигига қараб аниқланади.

Тўпдаги вагонларнинг (автомашиналарнинг) сони	Нуқтали намуналар танланаётган вагон (автомашиналарнинг) сони
5 тагача 6 тадан 15 тагача 15 тадан кўп	Ҳар қайси вагона(втомашина) дан Ҳар қайси учинчисидан Ҳар қайси бешинчисидан

Ҳар қайси нуқтали намуна 5-8 дона картошкадан ташкил топиши керак.

Транспортда ташилаётган ёки тарада сақланаётган маҳсулотдан намуналарни танлаш учун майда уруғли ўсимликлардан нуқтали намуналарни, кейинчалик тешикларни тикиб қоп шупи; йирик уруғликлардан эчилган қоплардан копусли шуп билан олинади. Нуқтали намуналар олинishi керак бўлган, доналарда, қопларнинг сонини, тўпнинг катталигига қараб аниқланади.

Тупдаги қопларнинг сони	Нуқтали намуналарни танлаётган қопларнинг сони
100 тагача	Ҳар қайси иккинчисидан биттадан нуқтали намуна
101 тадан 500 тагача	Ҳар қайси еллингчисидан биттадан нуқтали намуна
501 тадан 1000 тагача	Ҳар қайси юзинчисидан биттадан нуқтали намуна
1000 тадан ортиқ	Ҳар қайси икки юзинчисидан биттадан нуқтали намуна

Изоҳ: Қопдан биттадан нуқтали намуналар олинган тақдирда, уларни олиш жойлари алмаштирилади (устидан, ўртасидан ва пастидан).

Янги узилган мевалардан ва сабзавотлардан нуқтали намуналарни, тўпдаги жойларнинг сонига қараб олинади.

Тупдаги жойларнинг сони	Нуқтали намуналар олинаётган жойларнинг сони
100 тадан 5000 тагача	Ҳар қайси йигирманчисидан Ҳар қайси эллингчисидан
501 тадан 1000 тагача	Ҳар қайси юзинчисидан
1000 тадан кўп	

Ҳар қайси жойдан нуқтали намуналарни ўлчами картошкада 5-10 дона, мевалар, пиёзларда 200-300 г ни ташкил қилиши керак.

3.Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни олиш усуллари

3.1.Омборхонада сақлаш учун келтирилган маҳсулотни экспертизаси учун дастлабки намунани тузиш

Дастлабки намуналар тузиш учун тўпдан олинган нуқтали намуналарни кўздан кечирилади ва таққосланади. Олинган материал бир турда бўлганда, ҳамма нуқтали намуналарни силлиқ, тоза юзага (клёнка, қоғоз плёнка, брезент ва ҳ.к.) тўкилади ва зараркунандаларнинг, бегона ўсимликларнинг йирик уруғларининг мавжудлиги текширилади. Бирлаштирилган намунани текширишда аниқланган зараркунандаларни (тириги ва ўлиги), бегона ўсимликларнинг шикастланган уруғларини пробиркаларга ва целлофан қопчаларга солиб, ёрликлари билан ўртача намунага қўшиб қўйилади. Ҳамма нуқтали намуналарнинг йиғиндиси, бирлашган намунани ташкил қилади. Агар нуқтали намуналарни таққослашда, улар орасида аниқ фарқ топилса, нуқтали намуналарнинг қайта танлови ўтказилади, бунда сифати бўйича тўпни чегаралаш ва унинг ҳар қайси қисмидан алоҳида бирлаштирилган ва ўртача намуналарни ажратиш учун, танлов вақтида ҳар қайси нуқтали намуналар кўздан кечирилади.

3.2.Ўртача намунани (ажратиш) тузиш

Ўртача намунани меъёردа белгиланган ва ажратиб олинган маҳсулотнинг ҳар бир тури учун кўрсатилган ўлчамларда, бирлаштирилган намунадан ажратиб олинади. Ўртача намунани тузиш учун бирлаштирилган намунани силлиқ юзали столга тўкилади, буғдой квадрат шаклида тарқатилади ва қийшиқ қиррали иккита калта планка ёрдамида аралаштирилади.

Аралаштиришни ўнг қўл ва чап қўлдаги планкада квадратнинг карама-қарши томонларидан ўртача бир вақтда тўкилиб, бир нечта аралаштиришдан кейин валик ҳосил бўладиган қилиб бажарилади, кейин буғдойни валик четларидан ушлаб, бир

вақтда иккала планкадан ўртага тўкилади. Бундай аралаштириш уч маротаба бажарилади.

Бундан кейин бирлаштирилган намуна яна квадрат шаклида, бир текис қатлам қилиб тақсимланади ва планкалар ёрдамида диагонал бўйича тўртта учбурчакка бўлинади. Иккита карама қарши учбурчаклардан буғдой олиб ташланади, қолган иккитаси эса тўртга бўлинади, улардан иккитасидан ўртача намуна учун иккита учбурчакларда керакли миқдор олинмагунча, бўлиш давом этади.

Мева ва сабзавотлардан ўртача намунани асосан, зараркунандалардан ва касалликлар билан зарарланишга шубҳа уйғотган, аммо ажратиб олинган нуқтали намуналар меъёрлардан кам бўлмаган маҳсулотдан тузилади.

Картошкадан, пиёздан, шолғомдан ва илдизпоялардан ўртача намуналарни, улардан тўкилган тупроққа қўшиб олиш, керак. Ўртача намуналар ажратилгандан кейин, бирлаштирилган намуналарнинг қолдиқлари, улар олинган тўпга қайтарилади.

3.3. Намунани сақлаш

Карантин объектлари аниқланган озиқ-овқат ва дон фураж маҳсулотларининг уруғ тўпларини ўртача намуналари дастлаб зарарсизлантирилади ва чегара постида ёки лабораторияда уч ой давомида сақланади. Сақлаш муддати ўтганидан кейин намуналар ажратилади ва йўқ қилинади, топилган карантинли объектлар коллекцион материал сифатида ишлатилади. Карантинли объектлар аниқланган, тез бузиладиган маҳсулотларнинг ўртача намуналарини (мевалар, сабзавотлар, картошка), экспертиза ўтказилгандан кейин йўқ қилинади. Энг кўп характерли шикастланган маҳсулотлар ва уларнинг қисмлари рўйхатга олинади ва уч ой давомида намуна-ҳужжат сифатида сақланади, ундан кейин коллекцион материалга ўтказилади. Карантин объектлар аниқланмаган, тез бузиладиган маҳсулотларнинг ўртача намуналари, экспертиза ўтказилгандан кейин йўқ қилинади. Текширувда ва экспертизада аниқланган, Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлмаган карантинли объектларни ва бошқа қизиқиш уйғотувчи хашаротларнинг, паразит нематодаларнинг ва бегона ўтларнинг уруғларини ва меваларини,

касалликларни уйғотувчи микропрепаратларнинг турларини, шунингдек нематодлар, касалликларнинг аломатлари кўринган, щитовка ва хашарот колониялари билан зарарланган ўсимликларнинг қисмлари ва рўйхатга олинган, тегишли ёрлик билан намуна-хужжатлари, коллекцион материал сифатида ишлатилади.

Назорат учун саволлар:

1. Карантин объектлари аниқланган озиқ-овқат ва дон фураж маҳсулотларининг уруғ тўплари ўртача намуналари дастлаб зарарсизлантирилгандан кейин чегара постида ёки лабораторияда неча ой давомида сақланади?
2. Ўртача намуна қандай ажратиб олинади?
3. Маҳсулотнинг карантин ҳолати қандай аниқланади?
4. Уруғлик материалларидан намуналар қандай танланади?
5. Буғдойнинг нуқтали намуналари қандай қатлам ва неча нуқтадан олинади?

6-МАВЗУ:ЎСИМЛИКЛАРНИ КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ УСУЛЛАРИ

Режа:

- 1.Дуккакли экинларнинг карантин зараркунандалари
- 2.Вўзадаги карантин зараркунандалар ғўза куяси, осие ғўза тунлами, миср ғўза тунлами. Уларнинг зарари, морфологияси, биологияси, аниқлаш усуллари.
- 3.Кўчатларда учрайдиган зараркунандалар калифорния қалқондори, бошқа қалқондорлар, шарқ мева қурти, америка оқ капалаги, комсток қурти, ток филлоксераси.
- 4.Мевали дарахтлардаги Ўзбекистонга ўтиш хавфи бор хашаротлар билан танишув
- 5.Цитрус экинларининг карантин зараркунандалари.

1.Дуккакли экинларнинг карантин зараркунандалари

Хитой уруғхўри


Хитой уруғхўри – *Calosobruches chinensis* L тури , донхўр қўнғизлар оиласи – Dermestidae ва қаттиқ қанотлилар-Coleoptera туркумига мансуб хашарот ҳисобланади.

Буюк Британия, Греция, Италия, Франция, Афғонистон, Бирма, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон, Хитой, Туркия, Лаос, Покистон, Сурия, Япония, Миср, Кения, Сенегал, Судан, Куба, Мексика, АҚШ, Ямайка, Австралия давлатларида тарқалган.

МДҲ да ҳисобга олинмаган. МДҲнинг Европа қисмида, Кавказда ва Марказий Осиёга тарқалиб, муҳитга мослашиб зарар етказиши мумкин.

Соя, мош, ловия, оддий нўхат, хашаки дуккаклилар, нут ва бошқа ўсимликларни зарарлайди.

Даладаги экинларни зарарлайди, асосан кучли зарарланиш омборхоналарда кузатилади. Мош дуккагини деярли тўлиқ ичини еб фақат пўсти (қобиғи) қолади.



Хитой донхўри: 1- Кўнғизи. 2- Тухуми. 3- Личинкаси. 4- Ғумбаги. 5- Кўнғизининг ён томондан кўриниши. 6- Дуккакли экин уруғидаги тухумлари.

Имагоси қизғиш-жигар ранг, қисқа овалсимон, деярли тўғри бурчакли, узунлиги 2,5 мм, эни 1,6 мм.

Эркакларининг мўйловлари тароқсимон узун бўлади. Урғочиларини мўйловлари эса аррасимон қизғиш-қорамтир рангда. Устки қаноти узайган тўртбурчакли оч-жигар рангда. Пигидийси (кет қисми) тик, оқ майда тукчалар билан қопланган.

Тухуми овалсимон 0,4x0,6 мм янги кўйилган тухумлар шаффоф. Личинка чиққандан кейин тухум қобиғининг ранги кўнғир бўлади.

Личинкаси оқ, узунлиги 4 мм гача 1 ёшда уч жуфт 2 бўғимли оёғи бўлади. Пўст ташлагандан кейин личинкалар йўғон букилган оёқсиз ҳолда бўлади.

Ғумбагининг узунлиги 2,5 мм, сарғиш-оқ рангда, эркин типда.

Ривожланиши тўхтовсиз равишда бўлади. Кўнғизлар ҳаётининг давомийлиги ўртача 12 кундан 36 кунгача бўлади.

Урғочи кўнғизлар куруқ уруққа (донга, дуккакка) ёки пишган дуккакларга ўртача 60 та тухум кўяди. Тухумларини дуккакка ёпиштириб, дона-дона қилиб кўяди. Бир дуккак ёки донга 30-60 тагача тухум кўйиши мумкин.

Битта донда бир неча личинка ривожланиб, ҳамда имаго бериши мумкин. Личинкалар 3 марта пўст ташлайди ва зарарлаган уруғ ичида ғумбакка айланади. Ғумбакдан кўнғизлар чиққандан

кейин қобиғ синиб, тушиб кетади. Ҳамма босқичларини ривожланиши ҳароратга боғлиқ бўлиб, 45 кундан 196 кунгача чўзилиши мумкин.

Қишда ривожланиш 3-4 ойга чўзилади. Бир йилда Хитой уруғхўр кўнғизи (донхўри) АҚШда 6-8 та, Тайванда 10 та авлод беради. Хитой уруғхўр кўнғизи ҳамма ривожланиш фазаларида уруғлик ва дуккаклари орқали тарқалади.

2. Ғўзадаги карантин зараркундалар

Пахта куяси

Пахта (ғўза) куяси-*Pectinophora gossypiella saund.*, оила-ўмизқанотлилар –*Gelechiidae*, туркум-танга қанотлилар–*Lepidoptera*, синф-ҳашаротлар–*Insecta*, русча номланиши: *Хлопковая моль*, латинча номланиши: *Pectinophora gossypiella saund*, ўзбекча номланиши: *Пахта (ғўза) куяси*

Ғўзанинг энг хавфли карантин ҳашароти ҳисобланиб, у **Европада** – Кипр, Греция, Италия, Македония, Руминия, Испания, Туркия, Югославия. **Осиёда** - Афғонистон, Бангладеш, Камбоджо, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон, Ироқ, Исроил, Япония, Иордания, Шимолий Корея, Жанубий Корея, Лаос, Малайзия, Мьяна, Покистон, Филиппин, Саудия Арабистони, Шри Ланка, Сирия, Тайвань, Тайланд, Вьетнам, Яман. **Африкада** - Алжир, Ангола, Бенин, Буркино Фасо, Бурунди, Камерун, Марказий Африка, Чад, Кот Де Вуар, Египет, Эфиопия, Гана, Кения, Либия, Мадагаскар, Малавия, Мали, Мавритания, Мароко, Мозамбик, Нигер, Нигерия, Руанда, Сенегаль, Сейшела, Сьерра-Леоне, сомалия, Судан, Танзания, Того, Тунис, Уганда, Заир, Зимбабве. **Америкада** - Антигуа Барбуда ороли, Аргентина, Багама ороли, Барбадос, Боливия, Бразилия, Карибекс, Колумбия, Куба, Доминика, Доминикан Республикаси, Гренада, Гвателупа, Гална, Гаити, Ямайка, Мартиния, Мехико, Монсерат, Парагвай, Перу, Пуерто Рико, Санти Лучия, Китс-Невис, Винсенти, Тринидад Тобаго, АҚШ, Уругвай, Венесуела, Вирджиния. **Океанияда** - Австралия, Фижи,

Полинезия, Янги Каледония, Шимолий Мореана, Папуа, Янги Гвинея, Шарқий Самоа ва Ванутуда тарқалган.

МДХ давлатларида рўйхатга олинмаган. Капалаги *Gelechiidae* оиласига мансуб ўта зарарли хавфли ҳашарот. Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Австралия давлатларида, шунингдек Афғонистон, Эрон, Туркия давлатларида бошқа давлатларга нисбатан кенгроқ тарқалган.

Пахта экиладиган ҳудудларга тез мослашиб кетиш қобилиятига эга. Ғўзанинг барча маданий ва ёввойи навларини ҳамда гулхайридошлар оиласига кирувчи, шунингдек каноп, бамия ўсимликларини кучли зарарлайди.

Зарари: Ғўзанинг барча генератив органларини – шона, гул, кўсак, уруғ ҳамда толага зарар келтиради. Зарарланган шона, гул ва бошқа органлар бандидан қуриб бошлайди ва тўкилиб кетади. Ҳар бир ўсимлик органига 2-3 тадан личинкалари ўрнашиб олади ва уни ўсишдан тўхтатади, натижада пахта толаси яроқсиз ҳолга келади ёки ўсимлик органлари бутунлай нобуд бўлади. Зарарланган уруғлар тўлиқ ривожланмайди, унувчанлиги камайиб кетади.



Ташқи кўриниши: Капалаги қанотларини ёзганда 15-20 мм катталиқда. Олдинги қанотларини ранги оч-жигарранг тусда, устида кичкина қора доғлари бор. Қанотларининг ранги ўзгарувчан ва қирраси тиниқ-рангсиз. Орқа қанотлари, олдинги қанотларига нисбатан кенгроқ. Қанотлари эркагида оддий ва урғочисида уч қатор кўринишга эга.

Қорин қисмининг охирида сарғиш - жигарранг туклари бор. Эркаги ва урғочиси бир-биридан **генеталияси ва илгаклари** билан фарқ қилади.



Тухуми: Чўзинчоқ – овалсимон, узунлиги 0,4-0,6 мм, эни 0,2-0,3 мм, қобиғи камалаксимон, марваридсимон – тиниқ оқ рангда.

Личинкаси: Танасининг ранги оч жигарранг, қизғиш чизикли сегментлардан иборат.

Янги тухумдан чиққан личинкалар рангсиз, узунлиги 1-2 мм, етук личинкалари – қизғиш рангда, узунлиги 12-15 мм, сохта оёқларида 15-17 дона илгакчалари бор.

Личинкалар узок вақт диапауза ҳолатида туриш қобилятига эга бўлиб ноқулай шароитларда ҳам ҳаётчанлигини сақлаб қолади.

Ғумбаги: Катталиги 10 мм, жигарранг тусда, қорин қисмида қисқа илгаксимон эгилган ўсимтаси бор.

Биологик хусусиятлари: Личинкаси дала шароитида – тўкилган кўсаклар, уруғлар, ғўза пояси ва бошқа ўсимлик қолдиқларида қишлайди. Хитойлик энтомологларнинг маълумоти бўйича дала шароитида фақат 0,75% личинкалар қишлайди, қолган 99% личинкалар омборхоналарда, уруғларда, пахта тозалаш заводларида, ёғ заводлари омборхоналарида, пахта хом ашёси ва уруғликлар сақланадиган жойларда, жин аппаратида чиққан чиқиндиларда, пахтани тозалагандан кейинги чиқитларда, тараларда қишлаб қолади.

Личинка ривожланиш давомида 3 марта пўст ташлайди ва 4 ёшни ўтайди. Биологик хусусиятлари бўйича личинка узок муддат, яъни 2-2,5 йилгача диапаузада бўлиши мумкин. Бу муддат давомида личинкалар ноқулай об-ҳаво шароитларига мослашиб, ҳаётчанлигини сақлаб қолишга имконият яратилади.

Қишлаб чиққан личинка ғумбакларидан ҳаво ҳарорати 20⁰С бўлганда, имаголар чиқади. Капалаклар 14-20 кун яшайди. Уруғланган урғочи капалак 1 та ва ундан кўпроқ тухумни шона, гул, кўсакларга қўяди, ҳаёти давомида жами 500 дона уруғ қўяди. Уруғлардан 3-12 кун деганда личинкалар чиқади. Тухумдан чиққан личинкалар ўсимликларнинг ўша жойини кемиради, озиқланиш

давомида кўсакдаги толани сифатини бузади ва ҳосилдорликка катта зарар келтиради.

Личинкалар 9 кундан 30 кунгача озиқланиб ривожланади. Озиқланиб бўлгандан сўнг тупроқ ёки ўсимлик қолдиқлари орасига кириб, баъзан кўсак ёки уруғ ичида юпқа ўргимчак тўрисимон пиллага ўралиб олади.

Адабиётларда ушбу ҳашарот пахтанинг 20-80% гача ҳосилини йўқотиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Личинкалар пилла ўраш давомида, келажакда капалак учиб чиқиши учун кўсак ёки уруғларда юмалоқ тешикча ҳосил қилади.

Пахта куяси Египет давлатида 5-6, Хитойда ва Юннань провинциясининг жанубида 4-5 та насл беради. Ушбу ҳашарот уруғлар, кўсак, каноп, бамия, пахта хом ашёси, пахта ва каноп толаси, транспорт воситалари, таралар, пахта ва каноп чиқиндилари, зарарланган майдондан олинган тупроқ, пахта ва канопдан қилинган материаллар, газламалар орқали тез тарқалади.

Карантин кураш чора-тадбирлари:

1. Карантин остидаги материалларни сифатли текширув ва экспертизадан ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пахта куяси тарқалган давлатлардан уруғлик чигит, каноп, пахта хом ашёси ва бошқаларни киритишга зарур ҳолларда фақат Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясининг рухсати билан амалга оширилади.

3. Илмий тадқиқот мақсадлари учун кам миқдорда уруғлик чигит, каноп уруғи ва бошқа раъногулдошлар оиласига кирувчи ўсимликларни ҳамда уларни уруғларини киритиш рентгенография қилиниб, бром-метил билан зарарсизлантирилиб, импорт карантин рухсатномаси олингандан сўнг интродукцион карантин питомникларида яширин зарарланганликни аниқлаш учун экишга рухсат этилади ва текширув хулосаларига асосан тажрибалар давом эттирилиши мумкин.

4. Транзит бўлиб ўтаётган юқорида номлари келтирилган юклар албатта зарарсизлантирилиши лозим. Зарарсизлантириш тартиби юкни жўнатиш манзили ва муддати бўйича белгиланади.

5. Мазкур ҳашарот билан зарарланган ўсимлик қолдиқлари ва чиқиндилар ёқиб юборилади.

6. Импорт уруғлик пахталарни қайта ишлашидан чиққан чиқиндиларни иссиқхоналарни иситиш учун ёки қайта ишлаш учун энгил саноат фабрикаларига жўнатилиши мумкин.

7. Импорт маҳсулотларни юмшоқ материалларда қадоқлаб, пахта етиштирувчиларга жўнатиш таъқиқланади.

8. Пахта ва канопа толасидан тайёрланган одеял, ёстик, кўғирчоқ ва бошқа маҳсулотлар зарарсизлантирилиши даркор.

9. Ҳар йили Афғонистон ва Эрон давлатлари билан чегара ҳудудлардаги пахта экувчи хўжалик далалари, ғўзалар, пахта қабул қилиш масканлари ва заводлари ўсимликлар карантини давлат хизмати томонидан текширилиши лозим.

10. Пахта куюси аниқланган тақдирда, чегара масканидаги ўсимликлар карантини давлат инспекторлари, карантин остидаги юкларни текширишдан ташқари, импорт маҳсулотлар сақланаётган омборхоналар, терминаллар, ҳамда ёз мавсумида ҳар ойда 3-5 км масофадаги ҳудудларни карантин текширувидан ўтказишлари керак.

11. Уруғлар экишдан олдин албатта зарарсизлантирилиши лозим.

12. Пахта даласига вегетация даврида тавсия этилган инсектицидлар билан ишлов берилиши лозим.

Осиё ғўза тунлами

Тур-Осиё ғўза тунлами-*Spodoptera litura Fabr.* оила-тунламлар-*Noctuidae*, туркум-танга қанотлилар-*Lepidoptera*

Осиё ғўза тунлами ғўза, маккажўхори, помидор, бақилажон, сабзи, карам, картошка, нўхат, беда, буғдой, атиргул, хризантема ва бошқа ўсимликларни зарарлайди.

Қуртлар ғўза барглари ва кўсакларига кучли зарар етказиши. Ҳиндистонда тамаки ҳосилини 25-50% гача пасайтирган. Малайзияда батат ўсимлигини 75% гача зарарлаган, бунда 1 га ердаги Осиё ғўза тунлами қуртлари сони 1,5-28 мингтагача бўлган.

Қанотларини ёзганда 35-40 мм. Олдинги қанотлари чўзиқ-тўқ кулранг рангда, очик рангдаги йўл-йўл ва каттароқ буйраксимон

доғлари бор. Олд қаноти учларида қора нуқталар бор. Орқа қанотлари оқ, ялтироқ.

Тухуми оч сарғиш рангда, думалоқ, устки қисми садафдай. Тухумини 2-3 тадан қилиб, бир-бирига тегиб турган ҳолда қўяди.

Қурти 6 ёшни ўтайди, янги чиққан қуртлар оч яшил рангда.

Кўкрак ва сохта оёқлари тўқ жигар ранг, узунлиги 1,3 мм, охирги ёшдаги қуртлар оч жигар ранг. Қорин сегментларини 1 ва 8-чиси қора доғли, бошқа сегментларга нисбатан узунроқ. Доғлар тартибсиз шаклда. Боши тўқ жигар ранг бўлиб, оқ чоксимон чизик ўтган. Олд кўкрак қалқончаси тўқ оқ нуқталари бор. Кўкрак оёқлари қорин оёқчаларига нисбатан тўқроқ.

Ғумбаги ёнғоқ пўстига ўхшаш ранг узунлиги 19мм гача. Сегментларида 6 жуфт нафас тешикчалари бор.

Ёзда бутун ривожланиши учун 33-35 кун ўтади, личинкалар 6 ёшни ўтайди. Бир мавсумда 4 авлод беради. Уруғланган урғочилар 2500 тагача тухум қўяди. Тухумларини 200-600 тадан қилиб баргларга қўяди.

Капалаклар учиб узоқ масофага миграция қилади.


Кўчатлар, сабзаёт мевалари, ғўза кўсаклари орқали тарқалади.

Миср ғўза тунлами

Тур – Миср ғўза тунлами - *Spodoptera Littoralis Baisd.* оила–тунламлар–Noctuidae, туркум–танга қанотлилар–Lepidoptera

Миср ғўза тунлами ғўза, картошка, маккажўхори, тамаки, карам, соя, атиргул ва дуккаклиларни зарарлайди.

Мисрда бир неча йиллар бу тунлам таъсиридан 75% гача ғўза ҳосили йўқотилган.



Миср ғўза тунлами:

1- капалаги. 2- Миср ғўза тунлами ғумбаги. 3-Осиё ғўза тунлами ғумбаги.